Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 60 (7.149) ◎ 1990 йил 14 март, чоршанба ◎ Бақоси 3 тийин

⊙ БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК. Тошкент асбобсозлик заводининг Валентина Корчагина етакчилигидаги ишчилар гуруҳи.
Т. Каримов сурати.

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Илгари хабар қилинганидек, 12 март куни Кремлда СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди ўз ишини бошлади.

Съездда СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга киришилди. СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. ЛУКЬЯНОВ доклад қилди.

Доклад юзасидан мунозаралар бошланишидан олдинди депутат **Н. Г. Дмитриев** президентлик лавозимиҥ умуман таъсис этиш керакми, агар керак бўлса, унда ҳусуғсан СССР Президентини қачон ва қандай сайлаш лозим, деган принципиал масалани муҳокамасиз овозга қўйишни таклиф этди. Съезд охир оқибатда бундай ёндашувга рози бўлмади.

Биз ҳозир мамлакатимиз ҳокимиятида фалажлик бошланган бир вазиятда турибмиз. Мунозараларни очган депутат **С. С. Алексеев** ўз нутқини ана шуни таъкидлаш билан бошлади. Ҳокимият ҳақиқатан ҳам ишламаяпти, у аслида ишлаш қобилиятига эга эмас. Бир ернинг ўзида депсиниш натижасида ўз-ўзидан пайдо бўлаётган унсурлар кўпаймоқда. Бу эса олдиндан билиб бўлмайдиган оқибатлар хавфини келтириб чиқармоқда.

СССР конституцион назорат комитетининг раиси президентлик лавозими тўғрисидаги масаланинг моҳиятини тилга олар экан, ушбу мавзудаги бир қанча жиҳатларни алоҳида кўрсатиб ўтди.

Нотиқ нутқининг иккинчи қисмида «Барча ҳокимият — Советларга!» деган шиор олға сурилди.

Нотиқ Президент тўғрисидаги масала зудлик билан ҳал этилишини ёқлаб гапирди, бу масала сиёсий системамиздаги катта ва аллақачон етилган ўзгаришлар билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. У СССР янги конституциясини тайёрлашни кечиктирмасликка ҳам чақирди.

Ракета-космик комплексларни ишлаб чиқиш билан кўп йиллар давомида шуғулланиб келаётган депутат **В. Ф. Уткин** ҳар бир киши ўйлаб, масъулият билан иш тутишиҥ тақозо этаётган бугунги вазиятнинг баъзи жиҳатларини ўртоқлашди.

Нотиқ съезд Президентни сайлаш тўғрисида қарор қабул қилишига умид билдирди. Бу ишни зудлик билан, сусткашлик қилмай бажариш керак.

Депутат **Н. А. Назарбоев**нинг фикрича, СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги мунозаралар бу борадаги фикрлар айрича эканлигини бутунлай ошкор қилди. Охир оқибатда, долзарб вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ масалаларни осонликча уддалаш мумкин бўлмаганидек, Президентсиз ҳам бугунги илмателишкиларимизни ямаб-ясқаш мумкин бўлур эди.

Шундан сўнг, нотиқ ўз фикрига кўра, СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисида съезд муҳокамасига тақдим этилган Қонуннинг баъзи бақсли жиҳатлари хусусида тўхталди. У ҳар бир иттифоқдош республикада президентлик ҳокимияти жорий этилишини таклиф қилди. Депутатнинг фикрига, кўра Қонунда президентлик кенгаши ва федерация кенгашининг вазифаларини янада аниқроқ белгилаб қўйиш зарур.

Навбатдан ташқари съезд иши, деб таъкидлади депутат **Р. Ф. Сафиуллин**, мураккаб даврда ўтмоқда.

Депутатнинг фикрига кўра, съезд муҳокама қилаётган масалалар жўн эмас. Унинг аҳамияти тилимиз учун янги атама — Президент, федерация кенгаши, Президент кенгаши ва шунга ўхшаш атамалар ҳисобига қайта қуришнинг сиёсий-ҳуқуқий луғатини бойитишдагина эмас. Бу ерда гап ҳокимиятни ягона иқтисодий сиёсат соҳасида ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш, қонун ва демократия ҳукмронлигини сўзда эмас, амалда бажариш ҳақида боряпти. Хусусан ҳозир президент лавозимини жорий этиш жуда зарур. Зотан, ҳамма ерда барқарорлик ва тартиб таъкис бўлиб қолаётганлиги сезилмоқда. Ҳуқуқий нигилизм кучаймоқда. Қайта қуришнинг ривожланиши янги ва янада мураккаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммоларни кучли давлат ҳокимияти бўлган тақдирдагина ҳал этиш мумкин, деб таъкидлади нотиқ.

Биз СССРда давлат ҳокимиятининг тузилмаси, жамиятимиз сиёсий системаси тўғрисидаги мураккаб масалани ҳал этяпмиз, деди депутат **Ю. Н. Афанасьев**. Ва биз бу масалани афсуски, кўп қурбонлар берилиши билан жуда оғирлашган шароитда ҳал этяпмиз. Лекин бу ҳали муайян киши — М. С. Горбачевнинг фавқулодда ҳокимиятини қонунлаштириш тўғрисидаги масала ҳамдир. Биз, қайта қуриш ва қайта қуриш ташаббускорининг ўзи бунга муҳтожмизми? Айни вақтда масалани шошма-пиша ҳал этишга киришилмоқда.

Нотиқ регионлараро депутатлар группасининг йиғилишида тегишли қарорлар қабул этилганлигини маълум қилди.

Депутат **Н. И. Дементей**нинг фикрига қараганда, муҳокама қилинаётган СССР Президенти лавозимини таъсидиқлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳасига мамлакатимизда ҳокимиятда пайдо бўлган ўзига хос бўшлиқни тугатишнинг кафолати сифатида қараш мумкин. Зотан, бугунги кунда ана шу бўшлиқни анархия, қонунсизлик ва ўзбошимчалик тарафдорлари тўлдирмоқдалар. Нотиқ мамлакатда Президент муассасасини жорий этиш ғоясини қувватлади, айни вақтда лойиҳанинг айрим моддалари юзасидан ўз мулоҳазаларини айтди.

Депутат **А. С. Елисеев** президентлик ҳокимиятини имкони борича тезроқ таъсис этиш кераклигини айтди. Икки далил: ижрочилик ҳокимиятини кучайтириш зарурлиги ва мамлакат раҳбарининг халқ олдидаги шахсий масъулиятини ошириш мана шу қарор кераклигидан далолат беради, деди у.

Қайта қуришнинг яхши ишлари мустаҳкам давлат структураларига ва самарали ҳокимият тартиб-қоидасига таянмас экан, муваффақият қозона олмайди. Депутат **В. И. Воротников** шу фикрни ривожлантириб, демократиянинг ривожини давлат ўзагини мустаҳкамлаш, интизомни кучайтириш, сиёсий онг даражасини ошириш билан бевосита алоқадор эканини мантиқий равишда асослаб берди.

Шундан кейин съездда Таҳрир комиссияси тузилди.

Жамиятнинг бир қисми, деди депутат **Г. Г. Гумбаридзе**, президентлик ҳокимиятини жамиятни бошқаришнинг шахсий моделига қайтиш деб билмоқда. Аниқ бир шахс ҳақида гап борганида номзодни биз унга бермоқчи бўлган ҳуқуқлар билан таққослаш мумкин. Республика жамоатчилиги мамлакатда М. С. Горбачев раҳбарлигида ўтказилаётган демократик ўзгартишларни якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Шу билан бирга президентлик бошқарувининг жорий этилишини аниқ бир шахс билан боғлаб бўлмайди.

Депутатнинг фикрича, Қонун лойиҳасида СССР — суверен давлатлар иттифоқи эканлиги дуруст эътиборга олинмаган, миллатлараро муносабатларнинг бутун мураккаблиги ҳисобга киритилмаган.

СССР Президенти лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарорни мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар мантиқи тақозо этмоқда, деб таъкидлади депутат **В. И. Мироненко**.

Нотиқ Президентнинг умумхалқ томонидан сайланиши астойдил тарафдори эканлигини айтгач, ҳозир таклиф қилинаётган истисно — биринчи гал Президентни айни Съездда сайлаш тўғрисидаги таклиф бу қоиданинг жиддий ва муҳим акси бўлмайдими, деган масала устида ўйлаб кўришни таклиф қилди.

Жаҳондаги энг инсонпарвар мукофот машҳур олим Нобель номи билан аталади. Депутат **И. В. Дорохов** шу олимнинг «Ҳар қандай демократия разиллар диктатураси билан тугайди» деган сўзларини тилга олар экан, бу сўзлар мамлакатимиз учун башорат бўлмаслигига умид билдирди.

Президент лавозимини таъсис этишда биз шошма-шошарлик қилаётганимиз йўқ, балки орқада қолмоқдамиз, деб уқтирди у. Депутат лойиҳанинг асосий қоидаларини тўлдиришни таклиф этар экан, ҳадеб мажлис қилавермайлик, ишлаш керак, деб даъват этди.

Депутат **Н. П. Шмелев** мамлакатда президентлик ҳокимияти ўрнатилишини қатъият билан қўллаб-қувватлади.

Депутат **М. И. Иброҳимов** съездда сўзга чиқиб, СССРда президентлик лавозимини таъсис этишни ва шу масалага хусусидаги Қонун лойиҳасининг асосий моддаларини маъқуллаган нотиқларни қўллаб-қувватлади. Мамлакат қайта қуриш йўлидан ўз ҳаракатида муҳим маррага яқинлашиб келди, деди у. Партия ҳокимиятни Советларга бериши реалликка айланмоқда, кенг омма сиёсат майдонига тобора кўпроқ жалб этилаяпти. Лекин бошқа ҳоллар ҳам кўриниб қолди. Бузғунчи кучларнинг мамлакат ҳаёти нормал маромига рахна солиш, одамларда ишончсизлик ва кўрқув туйғусини қўзғатишга қаратилган уринишлари тез-тез бўлиб турибди.

Мамлакат Президенти лавозимининг таъсис этилиши, — деб таъкидлади нотиқ, ҳокимият обрўсини жумладан ижроия ҳокимият обрўсини ошириш йўлидаги муҳим тадбирдир. Ушбу тадбир қайта қуриш жараёнларини жадаллаштиради, иқтисодиётни ривожлантириш, демократиялаш ва жамиятни инсонпарварлаштиришда катта одим бўлади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ажралиши ҳам қўшимча омилга эга бўлади.

Депутатнинг фикрича, тақдим этилган Қонун лойиҳасининг айрим қоидаларига аниқлик киритилиши керак. Федерация кенгаши ва Президент кенгаши фаолиятининг ваколати, тартиби ва шаклларини белгилашга синчковлик билан ёндашиш зарур.

Мунозараларда шунингдек, депутатлар **С. Я. Батишев, В. А. Медведев, В. И. Гольданский, Э. Ю. Салаев, А. И. Казанник** сўзга чиқдилар.

Кун охирлаб қолган эди, шунинг учун ҳам, съезд аҳли бундан буён қандай ишлаш керак, деган масала кўндаланг бўлди. Ҳар хил таклифлар айтилди. Раислик қилувчи, эълон қилинган нотиққа сўз беришлик, 13 март эрталаб эса бундан буёнги ишнинг тартибини белгилайлик, деб тавсия этганида бу ҳаммага маъқул бўлди.

Шундан кейин сўзга чиққан депутат **Е. И. Подольянна** вужудга келган вазият тартиб ўрнатиш, иқтисодиётдаги ишларни яхшилаш учун дарҳол туб қарорлар қабул қилинишини талаб этмоқда, деб таъкидлади. Бундай вазиятда худди Президент ҳокимияти жуда зарурдир.

Шу билан съезднинг биринчи иш куни якунланди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ НАВРЎЗ ТАРАДДУДИДА

⊙ НАВРЎЗ байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий комитетининг 12 март куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида баҳор ва дўстлик, умумхалқ айёмига сўнгги тайёргарлик ишлари билан боғлиқ масалалар ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар юритилди.

Бу байрамнинг Тошкент шаҳри меҳнаткашлари ва меҳмонлари қалбида узоқ вақт сақланиб қолиши учун нималар қилиш керак? Мажлисда сўзга чиққан нотиқларнинг кўпчилиги шу ҳақда сўзладилар. «Истеъдод» ёшлар театрининг режиссёри Б. Ҳамидов байрамни ўтказишнинг сценарий режалиридан мажлисга келганларни хабардор этди. Чиндан ҳам 21 март куни Тошкент шаҳрининг Карл Маркс кўчасида, Халқлар дўстлиги майдонида, Шоирлар хиёбонида Наврўз байрами шарафига ўтказиладиган бир-биридан ранг-баранг тадбирлар, санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари, дорбозларнинг маҳорати, қадимий халқ анъаналари руҳида кўрсатиладиган томошалар шубҳасиз ҳар бир кишининг қалбини ҳаяжонга солади ва унга завқ беради. Шу куни Тошкент шаҳри, унинг барча районлари, даҳа ва мавзелар, маҳаллалар байрамона руҳда безатилади. Эрталабдан чалинадиган карнай ва сурнай наволари, жарчиларнинг шодиёна бошланаётганлигидан хабардор қилувчи жарангдор овози барчани умумхалқ байрами тантаналарига таклиф этади.

Хўш, шу кунги байрам дастурхони қандай бўлади, унга қандай ноз-неъматлар, масаллиқлар, қандолатчилик маҳсулотлари қўйилади? Довруғ тараттан пазандаларимиз байрам қатнашчиларини қандай таомлар билан сийлашади? Ташкилий комитет мажлисида ахборот берган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети овқатланиш Бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Ҳ. Зокиров ана шулар ҳақида батафсил тўхталди. Байрам дастурхонини безашда шаҳардаги барча районларнинг ошхоналар трестлари, ресторанлар трести хизматчилари қатнашади, улар енг шимариб меҳмонларга очиқ чеҳра билан хизматда бўлишади. Жойларда ҳалим ва сумалакдан ташқари миллий таомлар ҳам пиширилади. Байрам нишонланадиган жойнинг миллий руҳда безатилиши, каравотларнинг устига беқасам кўрпачаларнинг тўшалиши, тўрқовоқлардаги беданалар сайроғи, карнай-сурнай садолари Наврўз файзига янада файз қўшади.

Наврўз баҳор ва дўстлик байрами бўлганлиги сабабли унда шаҳримизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатга мансуб кишилар кўнгил ёзишлари, ўзлари ёқтирган миллий ашулаларни эшитишлари ва рақсларни томоша қилишлари, овқатларни истеъмол этишлари мумкин. Шаҳримизда ташкил этилган миллий марказлар ҳам шу куни фаоллик кўрсатишади, ўз санъатлари ва маҳоратлари билан Наврўз байрамига ўзгача файз киритишади.

Умумхалқ айёмининг узоқ вақт хотирада сақланиб қолиши учун яна нималар қилиш зарурлигини таъкидлаган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. Р. Расулов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Қ. М. Рафиқов, ташкилий комитетнинг бошқа аъзолари яна қатор таклифларни ўртага ташладилар.

Ташкилий комитет мажлисида қатнашган шаҳримиз районларининг партия ва совет раҳбарлари, министрлик ва идораларнинг, шаҳардаги театрлар ва бошқа маданий-маърифий муассасаларнинг масъул ходимлари ҳам қимматли фикрларни билдирдилар. Жумладан, унда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети раисининг ўринбосари Э. Мусаев Ўзбекистон телевидениесининг Наврўз байрами куни намойиш этадиган 24 соатлик хайрия телекўрсатувининг мақсадлари ҳақида сўзлади, СССР Давлат ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати Г. Брнм байрамга тайёрланган плакатлар ва эсдалик нишонларининг намунасини кўрсатди.

Хуллас, жонажон Тошкент шаҳримиз — дўстлик ва қардошлик шаҳримиз Наврўзга шод-хуррамлик билан катта тараддуд кўрмоқда!

Қайта қуришни ҳимоя қилайлик!

Республика пойтахтидаги митинглар ва йиғилишлар бўлиб ўтган кўпгина меҳнат коллективлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартиби ва гражданлар хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини қўллаб-қувватладилар. Ишчи ва хизматчилар барча кишиларни ақл-идрок билан иш тутишга ва осойишталикни сақлашга, ёлғон мишмишларга ишонмасликка, жамиятни миллий аломатларга кўра бўлиб юборишга интилаётган нгвогарларга қулоқ солмасликка даъват этдилар. Барча нутқларда Тошкент доимо дўстлик ва қардошлик шаҳри бўлиб келганлиги, ҳозир ҳам шундайлиги ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши таъкидланди.

Октябрь инқилоби номли Тошкент тепловоз ремонти заводида бўлиб ўтган йиғилиш иштирокчилари мамлакатнинг айрим регионларида вужудга келган сиёсий вазият, энг оддий тартиб ва масъулиятнинг бўшашиб кетганлигидан чуқур ташвиш билдирдилар. Йиғилиш қатнашчилари республика ҳукумати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тартибсизликлар ва зўравонликнинг пайини қирқиш юзасидан қабул қилаётган, ҳар бир гражданнинг, унинг қайси миллат вакили эканлигидан қатъий назар, ҳавфсизлигини таъминловчи тадбирларни қўллаб-қувватладилар. Нотиқлар вужудга келган вазиятда республикада кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иш ташлашлар, митинглар, оммавий намойишлар, юришлар ўтказишнинг вақтинча ман этиб қўйилганлиги меҳнаткашлар истагига мос келувчи чора эканини таъкидладилар.

* * *

«Узбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ихтисослаштирилган ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси меҳнат коллективининг йиғилишида сўзга чиққанлар миш-мишлар тарқатиш қўрқув, эртанги кунга ишончсизлик ҳиссини уйғотишга интилаётганларгагина қўл келаётганлигини уқтирдилар. Меҳнаткашларга тартиб, жамиятда барқарорликнинг сақланиши керак, улар жамоат тартибини бузганларни қаттиқроқ жазолашни талаб қилмоқдалар. Фикримизча, дейишди йиғилиш қатнашчилари, республика, шаҳар, район раҳбарлари меҳнат коллективлари ҳузурига кўпроқ келиб туришлари, қайта қуришда амалга оширилаётган конкрет ишлар тўғрисида, гражданлар қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам берувчи қандай тадбирлар белгиланаётганлиги ҳақида батафсилроқ сўзлаб беришлари зарур.

* * *

Мамлакатимиз ҳозир мураккаб, зиддиятли даврни бошидан кечирмоқда. Можаролар ва тушунмовчиликларга барҳам бериш, тазйиқ ўтказиш, тўсиқлар уюштириш ва зўравонлик усулларини тугатиш зарур, дейишди Тошкент заргарлик заводи меҳнат коллективи йиғилишининг иштирокчилари. Улар миллатлараро можаролар совет кишиларини ташвишга солиб, дилини вайрон этаётганлигини таъкидладилар. Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартиби ва гражданлар хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини қўллаб-қувватладилар.

* * *

Тошкент бўлка-қандолатчилик комбинати меҳнат коллективи йиғилишининг иштирокчилари ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартиби ва гражданлар хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини қўллаб-қувватлаб, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, республикадаги вазиятни барқарорлаштириш зарур деган фикрни билдирдилар. Улар миллатлараро адоватни авж олдираётган, ҳуқуқ-тартиботни бузишга, партия ва ҳукумат қарорларини бойқут қилишга ундаётган нгвогарларни қаттиқ жазолашни талаб этдилар.

* * *

«Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективининг йиғилишида иштирок этганлар республикадаги вазиятни барқарорлаштиришни ёқладилар, ҳукуматнинг оммавий юришлар, митинглар ва намойишлар ўтказишни вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватладилар. Нотиқлар кишиларни миллатига қараб камситишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида гапирдилар. Ёш авлодни тарбиялашга, унга умуминсоний қадриятлар ва идеалларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни сингдиришга алоҳида эътибор бериш керак.

* * *

Тошкентдаги 4-ип йигириш-тўқиш фабрикаси кўп миллатли меҳнат коллективи йиғилишининг қатнашчилари одамлар ўртасида миллий адоват уруғини сочаётганларнинг ҳуқуққа зид ҳаракатларининг олдини олувчи энг қатъий чора-тадбирлар кўрилиши керак, деган фикрни ёқладилар. Улар қайта қуриш муваффақият қозонишн учун, ҳар бир совет кишисининг тинч, бунёдкорлик меҳнати учун хотиржам вазият яратиб бериш кераклигини таъкидладилар. Ҳар биримиз, дейилди йиғилишда, ўзимизнинг бутун куч-қувватимизни, бор истеъдодимизни Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун сарфлашимиз лозим. Фақат шундагина сезиларли натижаларга эришиш мумкин. Нутқларда республикадаги ижтимоий сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, жамиятга зарар келтираётган турли хил тартиббузарларга, демагогларга, чайқовчиларга нисбатан қаттиқроқ чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

«Бирлик» норасмий ташкилотининг бир гуруҳ раҳбарлари шаҳар Совети ижроия комитетига шу йилнинг 18 март куни митинг ўтказишга ижозат бериш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг шу йилнинг 21 февралдаги Фармони амал қилаётганлигини, уни меҳнаткашлар жуда қўллаб баёнотларида қўллаб-қувватлаётганлигини, шунингдек митинг ташкилотчилари муҳокама этишни таклиф этаётган масалалар 25 февраль куни рухсат этилган митингда амалда кўриб чиқилганлигини ҳисобга олиб, шаҳар Совети ижроия комитети бу илтимосни рад этди.

Шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент аҳолисига мурожаат этиб, хотиржамлик ва қонунга риоя этишни таъминлаш учун барча чоралар кўрилишини уларга билдиради.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАМДА СССР ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида

А. И. ЛУКЬЯНОВ доклади

Депутат ўртоқлар!

СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари учинчи Съездининг муҳокамасига сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада олға силжитишнинг, давлат ишларини бошқариш системасини мустаҳкамлашнинг, социалистик демократияни чуқурлаштиришнинг энг муҳим масалаларини киритилмоқда. Съезд томонидан бу масалаларнинг ҳал этилиши совет конституцион тузумини ривожлантиришда, социалистик ҳуқуқий давлатни қарор топтиришда таг-заминли аҳамиятга молик ўзгаришлар қучайиб бора бошлашини билдиради.

Съездга бу қадар зудлик билан мурожаат этилишининг боиси нима? Мамлакатда бошланган демократик ўзгартишларни кучайтириш заруратими ёки қандайдир вақтинчалик манфаатни кўзловчи мулоҳазаларми? Олдимизда пайдо бўлган муаммоларга яраша иш кўриш истагими ёки ҳамма қабул этган жаҳон тажрибаси одатларига бир амаллаб мослашиш иштиёқими? Қайта қуришнинг ўз мантиқими ёки ҳозир мамлакат тушиб қолган вазиятнинг мураккаблигими? Бу саволларга қуйидагича жавоб бермоқчимиз: Олий Совет, мамлакат раҳбарияти шу жиҳатларнинг ҳаммасини ҳисобга олмасликлари мумкин эмас эди, албата, бироқ ҳаммият тараққиёти объектив жараёнининг ўзи бизни режалаштирилаётган ўзгартишларга ҳаммадан кўра кўпроқ мажбур этди. Аввало, янги сиёсий муассасаларимиз ишини ҳали оз бўлсада, ҳар ҳолда биз орттирган тажриба билан янгилаш жараёнлари ички табиатининг ўзи шуни тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, айни ислоҳотлар жараёни бизни халқнинг тўла ҳокимиятли органлари бўлмиш Советларнинг ролини тубдан ошириш зарурлигига ундади ва шу муносабат билан КПСС фаолиятининг вазифалари ва усулларини, унинг жамият сиёсий системасидаги ўрнини ўзгартиришга олиб келди.

Айни ислоҳотлар жараёни бизни Конституцияда ва қонунларда мулкнинг ҳамма хилма-хил шаклларини тўлиқроқ ва аниқроқ акс эттириш, уларни ривожлантиришнинг тенг шароитларини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш керак, деган хулосага олиб келди.

Айни ислоҳотлар жараёни, бошланган ўзгартишлар чуқурлашган пайтда жамият дуч келган хилма-хил жараёнлар, шу жумладан СССР халқ депутатлари Съезди ва Олий Совети белгилаган катта-катта тадбирларни амалга оширишдаги камчиликлар бизни мамлакат президенти лавозимини таъсис этиш йўли билан қонунларни ва давлатнинг бошқа қарорларини ижро этиш воситасини мустаҳкамлаш заруратига олиб келди.

Шундай қилиб, гап сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, миллатлараро ва бошқа соҳалардаги қайта қуриш жараёнларини жадаллаштириш зарурлиги ҳақида бормоқда. Гап давлат ҳокимияти олий органларининг тузилиши ва вазифаларини янада аниқ белгилашга эҳтиёж зўрайганлиги ҳақида бормоқда. Охир оқибатда, гап ижтимоий организмнинг барча соҳаларини янгилаш, инсонпарвар, чинакам халқчил жамият барпо этиш йўли давом этишини нақадар самарали равишда таъминлай олишимиз ҳақида бормоқда.

Сиёсий ислоҳотнинг биринчи босқичи амалга оширилганлиги турмушимизнинг бутун муҳитини тубдан ўзгартирди. СССР халқ депутатлари Съезди ва Олий Совет қайта қуришнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш учун ишламоқдалар ва шу йўлда бир талай иш қилдилар. Республика ва маҳаллий Советларга ҳозир ўтказилаётган сайловда давлат ҳокимиятининг янгиланаётган органлари системасини вужудга келтириш жараёни ниҳоясига етмоқда. Совет федерациясини анчамунча ўзгартириш режалаштирилмоқда. Ў янги мазмун билан тўлдирилмоқда.

Мамлакатда ўнлаб янги ташкилот ва ҳаракатлар тузилди. Меҳнаткашларнинг сиёсий фаоллиги кескин ошди. Бу — қайта қуриш, демократиялаш, ошкораликнинг, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг ижобий натижасидир.

Шу билан бирга кейинги вақтларда совет кишилари ижтимоий-иқтисодий вазият кескинлашганлигидан, режалаштирилган ислоҳотларнинг натижаси камлиги ва ҳатто бу режаларга тўсқинлик қилинаётганлигидан, миллатлараро заминдаги ўткир низолардан, оммавий тартибсизликлардан, жиноятчилик ошганлигидан тобора кўпроқ ташвишланаётганликлари сезилиб турибди. Муносиб давлат ва жамоат тартибини, гражданларнинг хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиётдаги аҳволни нормаллаштириш, ёнг зарур ижтимоий, экологик ва бошқа муаммоларни ҳал этиш йўлида кескин чора-тадбирлар кўриш ҳақидаги талаблар тобора баралла янграмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАМДА СССР ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Вужудга келган вазиятнинг чуқур сабаблари биз бошдан кечираётган тарихий пайтнинг руҳи билан бевосита боғлиқдир, бу пайтда ўтмишдаги буйруқбозлик-маъмуриятчилик тартиблари ва шу тартибларга мос келадиган сиёсий структураларга барҳам берилмоқда, замон талабига мос келадиган янги тартиб ва структуралар эса ҳозирча эндигина вужудга келмоқда. Рўйрост айтамизки, уларга ҳамон кўпдан-кўп қаршилик қилинмоқда.

Бу борада кутилмаган ҳеч нарса йўқ. Бинобарин бу ўринда гап ўтиш даврининг қийинчиликлари ҳақидагина бораётгани йўқ. Гап аввало неча ўн йиллар давомида мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий, маънавий-ҳақиқий бутун ҳокимият партия қўлига, унинг барча поғоналарига мансуб комитетлари қўлига тўпланганлиги ҳақида бормоқда. КПССнинг бундай мавқеи сиёсий структураларга, барча поғоналардаги раҳбарлар ва аппаратнинг аҳвол-руҳиятига, ижтимоий онгга сингиб кетган эди. Мана шу тасаввурлар, одатлар ва анъаналардан чекиниш ҳам вақтни, ҳам кўп куч-ғайратни, ҳам янги кадрларни талаб қилади. Бунинг сабаби равшан. Бироқ ҳаммаси йиғилиб, ҳуқуқий давлатнинг ўзагини ташкил этувчи ҳамма муассасалар, қонунлар, тартиб-қоидаларни қисқа вақтда вужудга келтириш амримаҳолдир. Бу — зўр бериб қонун чиқарувчилик фаолияти билан шуғулланишнигина эмас, шу билан бирга жамиятнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришни ҳам талаб қиладиган узоқ давом этадиган жараёндир. Ҳуқуқий инкорчилик, шахс ҳуқуқларини менсимаслик ва ҳокимиятга ишончсизлик бизда чуқур илдиз отганлиги учун ҳам шундай қилиш керак. Ҳаддан ошиш ва миллий мутаассибликнинг авж олиши, бутун-бутун ижтимоий гуруҳларнинг ибтидоий алдам-қалдамларга кўнгилчанг ишонавериши, бошбошдоқлик кўринишлари, ижтимоий ва бошқа низоларни тинчитишнинг ғайриманаий, зўравонлик шакллари кўп жиҳатдан айни мана шундан келиб чиқади. Одамларнинг турмуши ва аҳвол руҳиятига асоратли юк бўлиб тушаётган тартибсизликлар, хатарли жараёнлар, зўриқишларнинг манбаи айни мана шундадир. Мана шуларнинг ҳаммаси эса жамиятни пишиқ-пухта, барқарор ва эпчил идора этишни талаб этади.

СССР Халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездига маълум қилиш топширилган таклифларни мазкур мураккаб муаммолар мазмунини ҳеч кечиктирмай ҳал этиш зарурати тақозо этган.

Келинглар, қайта қуришнинг воситаси ва мақсади нима, деган саволни ўзимизга ўзимиз бериб кўрайлик. Ўйлайманки, ҳаммамиз бир овоздан: бу халқ фаровонлигини ошириш билан бирга аввало демократияни чуқурлаштириш, деб жавоб қайтарамиз. Бу соҳадаги бош йўл белгилаб берилган, у ҳам бўлса: халқнинг ўзини ўзи бошқариши пойдевори бўлган, халқнинг тўла ҳокимияти ва суверен иродасини амалга оширувчи органлар бўлган халқ депутатлари Советларининг ролини оширишдир. Шунга биноан Конституцияда КПССнинг ўрнини янгича белгилаш, иккинчи томондан эса асосий қонунга жамиятимизнинг сиёсий турмушида ҳаракат қилаётган турли жамоат ташкилотларининг мавқеини ёзиб қўядиган вақт келди.

Партиянинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг вазифаси билан шуғулланишдан батамом воз кечиш кераклигини қатъий қилиб айтганлиги, партия комитетлари ўзларига хос бўлмаган маъмурий-хўжалик вазифаларини ўз зиммаларига олишдан иборат неча ўн йиллар давомида сақланиб келган практикани рад этганлиги маълум. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурининг умумхалқ муҳокамасига қўйилган лойиҳасида қайд этилишича, партия ҳокимиятни таноҳ қўлда сақлаб қолишни даъво қилмайди ва жамиятимизни янгилаш тарафдори бўлган ҳамма кучлар билан сиёсий мулоқотга, ҳамкорликка тайёр. У мамлакатда янги сиёсий партиялар, турли жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари пайдо бўлиши эҳтимоли нақадар аниқлигини жуда яхши англаб турибди. СССР Конституциясининг 6 ва 7-моддаларига таклиф этилаётган ўзгартишлар айни шунга асосланади. Партия Марказий Комитети қонун лойиҳаси таклиф этиш тартибида шу ўзгаришларни съездимиз муҳокамасига қўймоқда.

Бу таклифларнинг моҳияти шундан иборатки, барча партия, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар Конституция ва совет қонунлари доирасида ҳаракат қилишлари, халқ депутатлари га сайланган ўз вакиллари орқали ва бошқа шаклларда давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ҳамда давлат ва жамоат ишларини идора қилишда фаол қатнашишлари учун уларга тенг имкониятлар яратилишига кафолат берилиши керак. Шу билан бирга лойиҳада совет конституцион тузумини ва социалистик давлатнинг яхлитлигини зўравонлик билан ағдариб ташлаш, унинг хавфсизлигини қўпориш мақсадини кўзлайдиган, ижтимоий, миллий ва диний адоватни кучайтириш билан шуғулланадиган партиялар, бошқа ташкилот ва ҳаракатлар тузилишига йўл қўйилмаслиги таъкидланади.

Шундай қилиб, СССР Асосий қонуни мазкур моддаларининг янги таҳрири демократияни янада ривожлантириш билан, жамиятимизда сиёсий фикрларнинг хилма-хиллигини қарор топтириш билан, халқ оммасининг бошқарув барча соҳаларидаги иштирокини кенгайтириш билан бевосита боғланган.

Конституциянинг 10, 11, 12, 13-моддаларига ҳам туб ўзгаришлар киритиш таклиф қилинади, бу моддалар совет иқтисодий системасининг асосий элементларини белгилаб беради. Яқинда халқ депутатлари иккинчи съездининг топшириғига биноан қабул қилинган Мулкчилик тўғрисидаги Қонун ва Ер тўғрисидаги Қонун асослари бу янги қоидаларнинг манбаи бўлди. Уларнинг бош мақсади ҳодимнинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашувини тугатишдан, мулкнинг турли-туман шаклларини мустаҳкамлаш ва рағбатлантиришни имкони борича таъминлашдан, одамларнинг хўжалик соҳасидаги ташаббусини жонлантиришдан иборат.

Бу соҳада совет гражданларининг мулки тўғрисидаги конституцион қоидалар биринчи ўринга чиқариб қўйилганлиги, бу мулкда истеъмол мақсадларига мўлжалланган мол-мулкдан ташқари ишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган ҳар қандай мол-мулк ҳам бўлиши (мол-мулкнинг гражданлар сотиб олишига йўл қўймайдиган айрим турлари бундан истиснодир) мумкинлиги кўрсатилганлиги, деҳқончилик хўжаликлари конституцион кафолот олиши, бунда уларга бериб қўйиладиган ер участкалари умрбод ва мерос қилиб қолдириладиган мол-мулк бўлиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Асосий қонунда хўжалик юритишнинг коллектив ва ижара корхоналари, кооперативлар, ширкатлар каби шакллари, жумладан гражданларнинг ихтиёрий бирлашуви асосида тузиладиган ширкатлар кўзда тутилади. Давлат мулки таркибида умумхалқ мулкини, республикаларнинг мулкини, автоном тузилмаларнинг ва маъмурий-территориал бирликларнинг мулкини мустаҳкамлаб қўйиш таклиф этилади.

Шу тариқа социалистик бозорни тузиш учун зарур иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилади, биз иқтисодиётимизни юксалтириш, халқ учун таҳқироомуз тақчилликларни тугатиш хусусидаги умидларимизни социалистик бозор билан боғламоқдамиз.

Бинобарин, бизнинг съездимиз мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий турмушида рўй бераётган туб ўзгаришларни конституцион йўл билан расмийлаштириши лозим. Башарти, биз бу ўзгаришларни амалга оширмоқчи бўлсак, албатта, улар ўз навбатида совет давлатига раҳбарликни ташкил этишга янгича ёндашишни, мавжуд механизмдан кўра, кам деганда, бир поғона самароларроқ амал қиладиган бошқарув механизмини таъминлашни талаб қилади.

Давлат идораларининг вазифалари изчил фарқлаб қўйилмаслиги, ҳуқуқ доираси аниқ белгиланмаслиги, уларнинг ҳуқуқлари билан масъулият даражаси ўртасидаги тафовут — мана шуларнинг ҳаммаси давлат ҳокимиятининг ҳозирги шароитда жуда зарур бўлган таъсирчанлигини пасайтиради. Боз устига, бу нарса марказий идораларнинг ишига айниқса кучли таъсир қилади.

Ҳозир амалий жиҳатдан олганда айни шу бўғин энг заиф бўлиб чиқди. Сиёсий ислоҳотнинг энг яқин орада эришиш мўлжалланган мақсадлари ҳам деярли ҳамма нарсани ва деярли дарҳол — республикаларнинг ҳақиқий қарамсизлигини ҳам, регионларнинг мустақиллигини ҳам, маҳаллий Советларнинг янги ҳуқуқларини ҳам, корхоналарнинг эркин ташаббусини ҳам, ижтимоий уюшмаларнинг қонунлаштирилган фаолиятини ҳам, бошқа кўп нарсаларни ҳам назарда тутади, аммо самарали ва эпчил ишлайдиган марказнигина кўзда тутмаслигини алоҳида таъкидламоқ керак.

Чет элларда мавжуд бўлган ва ўзимиз орттирган тажриба шуни тасдиқлайди: масъулиятдан ташқарида демократия бўлмаганидек, ўзини ўзи бошқариш, маҳаллийлаштириш фақат кучли, ҳатто эпчил иш кўрадиган, жипслаштирадиган ва мувофиқлаштирадиган марказий ҳокимият мавжуд бўлган тақдирдагина ўзининг ижобий имкониятларини чинакамига рўёбга чиқара олади. Бу борада биз Ленининг «коллегиячилик қандай зарур бўлса, сансалорлик бўлмаслиги учун, жавобгарликдан қочиш мумкин бўлмаслиги учун, якка шахснинг жавобгарлиги ва якка шахснинг бошқариши ҳам шундай зарурдир» деган маслаҳатидан ғоят ўринли равишда фойдаланишимиз мумкин.

Айни мана шу мулоҳозалар партия бевосита давлат ва хўжалик бошқаруви қуроли ролини ўйнашни бас қиладиган, шу бошқарувнинг ўзи эса партия структураларидан давлат механизми структураларига кўчадиган шароитда амал қилиши лозим бўлган ҳокимият муносабатларининг аниқроқ системасини яратиш учун ҳамма чора-тадбирларни зудлик билан кўриб чиқиб, қабул этиш лозим, деган хулосага олиб келмоқда.

Шу муносабат билан мамлакат Конституциясига қонун йўли билан давлатнинг якка бошлиғи — СССР Иттифоқи Президенти лавозимини таъсис этадиган ўзгартишлар лойиҳаси эътиборингизга ҳавола қилинмоқда. Бунда қайта қуриш ўзининг энг нозик босқичига кўтарилган даврда совет давлатчилигини такомиллаштиришнинг таркибий қисми бўлмиш президентлик тартиб-қоидасининг жорий этилиши бутун ҳокимият механизмининг самарадорлигини, мамлакатдаги барқарорлик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг самарадорлигини қатъиян ошириш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак.

Бизнинг давлатимиз каби беполён, кўп миллатли ва ранг-баранг давлатда, демократиялаш ва маҳаллийлаштириш чуқурлашиб бораётган вазиятда жамиятни жипслаштириш, айниқса, муҳимдир. Давлат раҳбариятининг янгиланаётган механизми аввало шунга қўмаклашмоғи керак, бу раҳбариятнинг ишларида ички ва ташқи сиёсат, стратегик йўл-йўриқлар ва шу йўл-йўриқларни амалга ошириш соҳасидаги амалий иш мужассамлашиб, яхлит бир ҳаракатга айланмоғи керак.

СССР Президенти ўзининг бутун амалий иши билан турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ижтимоий муло-қотни ривожлантириш учун шароит яратиши, мамлакатда инсоний тинчлик ва миллатлараро иноқликни таъминлаши, шунингдек, фавқулодда вазиятларда — урушларда, низоларда, табиий офатларда, ижтимоий осойишталик ва ижтимоий тартиб жиддий равишда бузилган ҳолларда олий ваколатлар соҳиби бўлган ташкилотчи ва мувофиқлаштирувчи арбоб бўлиб иш кўриши керак.

Айни вақтда бизда президент лавозими таъсис этилган тақдирда ҳам СССР халқ депутатлари Съезди давлат ҳокимиятининг олий органи бўлиб, СССР Олий Совети қонун чиқарувчи, ҳукумат ижрочи-бошқарувчи орган бўлиб қолаверишини таъкидламоқ керак. Президент эса қонун чиқарувчилик ва ижрочилик фаолиятини ўзаро боғлайдиган мустаҳкам бўғин бўлиб қолади. Натижада ягона совет давлат ҳокимиятининг вазифалари олий даражада ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланади, қонунларни ва ваколатли органларнинг бошқа қарорларини рўёбга чиқаришнинг қўшимча кафолатини олади.

Мамлакатимиздаги президентлик ҳокимияти изчил халқпарвар, совет тусида бўлиши керак ва шахсий ҳокимият ўрнатилиш эҳтимолини соқит қилибгина қолмай, шу билан бирга Конституциямизнинг халқчил негизларини пухта ҳимоя қилиши ҳам лозим. Съезд муҳокамасига ҳавола этилган Қонун лойиҳаси шунга асосланадики, Совет давлатига нуфузли қонун чиқарувчи органлар ҳам, кучли президент ҳам, сергайрат ҳукумат ҳам, мустақил суд ҳам керак.

Шу муносабат билан гўё президент лавозимининг таъсис этилиши шахсий якка ҳокимият режими ўрнатилишига олиб боради, деб баъзи бировлар авж олдираётган шубҳа-гумонлар учун ҳеч қандай асос йўқ. Бундан ташқари тақдим этилган лойиҳада мана шундай тенденцияларга қарши кафолатларнинг бутун бир системаси баён этилган. Хўш, нималар ҳақида гап боряпти?

Биринчидан, президент СССР гражданларининг умумий яширин овоз бериш йўли билан сайланишини белгилаб қўйиш таклиф этилади. Шу билан бирга, номзод сайланиш учун сайловда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпроғини умуман Иттифоқ бўйичагина эмас, шу билан бирга камида кўпчилик иттифоқдош республикаларда ҳам олган бўлиши керак. Республикалар аҳолисининг сони жуда хилма-хил бўлган бизнинг федератив давлатимиз учун бу — муҳим масала. Биринчи президентни сайлашга келганда, уни СССР халқ депутатларининг Съездида, яъни ҳозир мамлакатимизда мавжуд бўлган энг ваколатли демократик анжуманда муқобиллик асосида сайлаш назарда тутилади.

Иккинчидан, Конституцияда бир кишининг ўзи президент лавозимини икки муддатдан ортиқ эгаллаши мумкин эмаслигини белгилаб қўйиш таклиф этилади. Президент лавозимига номзодларнинг энг катта ёши ҳам чекланади.

Учинчидан, лойиҳада президент халқ депутатлари Съездининг назорати остида бўлиши аниқ белгилаб қўйилган, халқ депутатлари Съезди президент СССР Конституциясини ва қонунларини бузган тақдирда уни муддатидан олдин чақириб олишга ҳақлидир.

Тўртинчидан, лойиҳа президентнинг ваколатлари Конституция ва қонунлар билан белгиланишига асосланади, Конституция ва қонунларни эса фақат халқ депутатлари Съезди ва СССР Олий Совети қабул қилиши мумкинлиги маълум. Президент эса қонунлар асосида ва шу қонунларни ижро этиш йўлида ҳаракат қилишга мажбурдир.

Ниҳоят, бешинчидан, халқ депутатлари Съезди президентнинг фармонларини бекор қилишга ҳақли бўлади. СССР Конституцион назорат комитети эса бу фармонларнинг қонунийлиги устидан назорат қилишга мажбурдир.

Баъзан президент лавозимининг таъсис этилиши ҳокимият ваколатли органларининг роли камситилишини билдиради, деган фикрларни эшитиш мумкин. Бундай эмас. Қонун лойиҳасида ҳозирги вақтда съезд ва СССР Олий Совети соҳасига киradиган қандайдир ваколатларни президент ихтиёрига ўтказиш кўзда тутилмайди. Съезд илгариги ССР Иттифоқи ихтиёридаги ҳар қандай масалани ўзи кўриб чиқиш учун қабул қилиш ва ҳал этиш мумкин. Бунинг устига президентлик лавозими энг аввало съезд ва СССР Олий Советининг қарорлари янада фаолроқ амалга оширилиш учун таъсис этилади. Айни пайтда президент амалга ошириладиган барча ишлар олий ваколатли органлар кўз ўнгида ва назоратида бўлади. Президент зиммасига ҳар йили съездга мамлакатдаги аҳволга доир маълумотномаларни тақдим этиш, шунингдек ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари тўғрисида СССР Олий Советини ҳабардор қилиш мажбурияти юкланади.

Президент лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги муносара чоғида бундай қадам федерациямизни янгилаш вазифаларига, иттифоқдош республикалар суверенитети ва совет Автономияси гарантияларини мустаҳкамлашга зид эмасми, деган савол бир неча бор ўртага қўйилди. Маълумки, бу — ғоят мураккаб ва қийин жараён. Бу борада ҳам президент ваколатлари биринчи галда республикалар суверенитетини мустаҳкамлашда, уларнинг территориал яхлитлигини ва конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ижобий, бунёдкорлик ролини ўйнаши лозим. Шуни таъкидлашни истардим, ўртоқлар. Афтидан, айни президент иттифоқ шартномасини янгилашнинг асосий ташаббускори ва унга риоя этиш кафолати бўлади. У миллатлараро низоларда ҳакамга айланади, можаролар ва келишмовчиликларни ўз вақтида, айни пайтда сиёсий ва ҳуқуқий усуллар билан ҳал этишга кўмаклашади.

СССР Президенти ҳузурида федерация кенгаши сингари муҳим органни ташкил этиш иттифоқдош республикалар ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш мақсадларига хизмат қилишга даъват этилган. Мазкур кенгашда ҳар бир иттифоқдош республикадан унинг олий давлат раҳбари вакил бўлади. Кенгаш ўз кўч-ғайратларини федерациямизни ривожлантириш ва совет давлати миллий сиёсатини амалга ошириш муаммоларини кўриб чиқишга, умуминтифоқ аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда республикалар иштирокини таъминлашга сарфлаши назарда тутилади. СССР Конституциясининг иттифоқдош республика, ССР Иттифоқи ихтиёридаги тегишли масалаларни жумладан, федерация кенгаши орқали ҳал этишда қатнашади, деб белгилаб қўйилган 77-моддасига ҳам тегишли аниқликлар киритилади.

Маълумки, СССР Олий Советининг сессиясида ҳам, оммавий ахборот воситаларида ҳам неча бор умуман мамлакатнинг миллий давлат тузуми янгиланишидан аввал СССР Президенти лавозимини таъсис этиш мақсадга мувофиқми? — деган хавотирлик билдирилди. Аммо бу умумий масала бўлиб, уни ҳал этиш билан марказий органлар ҳам, республика органларн ҳам шуғулланишлари зарур. Буни президентликни жорий этиш билан боғлаш мумкинми? Шунга асосланиш керакки, президент, шубҳасиз, мамлакат федератив тузумининг янги асосларини пухта ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди, бу эса биз аввалги съездда келишиб олганимиздек, СССРнинг янги Конституциясининг тайёрлаш билан ғоят мустаҳкам боғлангандир. Айни пайтда СССР Президентининг вазифалари ва ваколатлари, лойиҳага биноан, умуминтифоқ тусига эга бўлади ва қандайдир республика органларининг имтиёзларини камситмайди. Юқорида айтиб ўтган фикримизга фақат шуни қўшимча қилиш мумкинки, жаҳон практикасида кўпгина федерациялар бўлиб, уларда айни президент давлат бошлиғи бўлганлиги ҳамда у умуман федерация ва унинг ҳар бир қисми ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳамма эътироф этган кафолати эканлиги маълум.

Президент муассасасининг жорий этилиши бу ерда ҳам СССР Министрлар Советининг ваколатини чеклаши мумкин демоқдалар. Бундай нуқтаи назар тарафдорларининг фикрини рад этишга тўғри келади. Ҳукуматнинг ваколати амалда ўзгармай қолади. Фақат, бирдан-бир янги жиҳат бўлиб, у ҳукуматнинг ўз фаолияти учун масъулиятини оширишдан иборат. Шу муносабат билан Министрлар Совети ўз иши тўғрисида ҳар йили СССР Олий Совети ҳузурида ҳисоб берибгина қолмай (бу амалдаги норма), шу билан бирга бу ҳақда Президентни мунтазам хабардор қилиб туриши лозим. Айни пайтда СССР ҳукумати, министрликлар ва давлат комитетлари СССР қонунлари билан бир қаторда ўз фаолиятида Президент фармонларига амал қилишлари шарт эканлигини белгилаб қўйиш таклиф этилади. Президент министрларни тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади. Табиийки, шундан кейин улар СССР Олий Совети тасдиғига тақдим этилади.

СССР Президенти ҳузурида ташкил этиш мўлжалланаётган яна бир орган муҳим давлат ваколатлари билан таъминланади. Бу — президент кенгашидир. Кенгашнинг асосий вазифаси, СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини рўёбга чиқариш, мамлакат хавфсизлигини таъминлашга доир тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Президент кенгаши аъзоларини Президент тайинлайди, СССР Министрлар Советининг Раиси эса ўз лавозимига кўра кенгаш составига киради.

Шу йўл билан Президент ваколатларининг ижроия-бошқарув фаолияти билан мустаҳкам боғлиқ бўлиши, бу фаолиятни ҳукумат бошлиғи назорат қилиши таъминланади. Айни шу ерда, президент кенгашида, афтидан, СССР халқ депутатларининг Съезди маъқуллаган иқтисодий программани амалга оширишнинг энг муҳим масалалари муҳокама қилинади, мазкур программа амалга оширилиши тўхтаб қолмаслигига, барча даражаларда кадрлар масъулияти сустлигига қатъиян барҳам берилишига қаратилган тадбирлар кўрилади. Айни президент кенгаши ҳокимиятнинг олий ваколатли органлари белгилаб берадиган ташқи сиёсий йўлни, социалистик ғалабалар мустаҳкам ҳимоя қилинишини таъминлашга оид барча ишларни амалга оширишнинг асосий ташкилотчиси бўлади.

Депутат ўртоқлар, шуни эслатиб ўтишни истардимки, ҳокимият олий бўғинини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичидаёқ жамоат доирларида ва илмий адабиётда, газета ва журналларда Президент лавозимини таъсис этиш тўғрисида ва унга бериладиган ваколатлар ҳақида қизғин мунозаралар олиб борилди. Ҳозир эса кўпгина депутатлар, сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар бундай лавозимни қўллаб-қувватлаб, давлатнинг олий мансабдори масалан, халқ депутатлари Съездларини ва сессияларни тайёрлашга раҳбарлик билан, парламентда раислик қилиш билан боғлиқ кундалик вазифаларни бажармаслиги лозим эканлигига эътиборни қаратмоқдалар. Ана шу барча мунозараларнинг кўпгина жиҳатлари қўлингиздаги қонун лойиҳасига асос бўлди. Лойиҳани СССР халқ депутатлари группаси етакчи ҳуқуқшунос олимлар ва бошқа мутахассисларнинг фаол иштирокида тайёрлади. Лойиҳани икки марта СССР Олий Совети Президиуми кўриб чиқди, у СССР Олий Совети палаталари доимий комиссиялари ва комитетларининг мажлисларида ҳар томонлама муҳокама қилинди. Президент лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги таклифни СССР Олий Совети аъзоларининг кўпчилиги қўллаб-қувватлади. Олий Совет эндиликда Съездга тақдим этилган қонун лойиҳасини асос сифатида қабул қилди. Дастлабки лойиҳага кўпгина ҳолларда СССР халқ депутатлари асосий ташаббускорлари бўлган тузатишлар ва қўшимчаларнинг катта қисми киритилди.

Бу ерда тақдим этилган лойиҳанинг қайси қоидаларини алоҳида таъкидлашни истардик? Сизлар, эҳтимол, Президентга СССР Конституциясининг махсус бобини бағишлаш кўзда тутилаётганига эътибор берган бўлсангиз керак. Унда Президентни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари ва масъулияти, бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабати белгилаб берилади. СССР Президенти давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг мустаҳкам ҳамжиҳатлигини таъминлашга, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишни ягона ўзанга бирлаштиришга даъват этилганлиги ана шу ваколатларнинг негизини ташкил этади. Совет Президентининг бундай мувофиқлаштирувчи фаолияти унинг энг асосий вазифаларидан бири бўлади ва бу эса, яна бир бор такрор айтаманки, бутун давлатимизнинг иш усуллари самарадорлигини анча оширади.

Совет гражданларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш — Президентнинг биринчи даражали вазифаларидандир. Президент СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар суверенитетини, мамлакат хавфсизлиги ва территориал бутунлигини муҳофаза қилишга, миллий давлат тузуми принципларини рўёбга чиқаришга доир зарур чораларни кўриши шарт. Президент мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда СССР Иттифоқининг вакилидир.

СССР Президентининг асосий вазифалари лойиҳанинг 127[3]-моддасида белгилаб берилган. У ана шу вазифаларнинг ҳар бирини бажариш учун тегишли ваколатларга, жумладан қонун чиқариш ҳуқуқига эга бўлади. Президент ана шу ҳуқуқга асосланиб, қонун чиқариш жараёнига фаол таъсир кўрсатиши, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш соҳасида қонун ҳужжатлари қабул қилинишинигина эмас, шу билан бирга ҳамма жойда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш учун, пинҳона иқтисодиётнинг сурбет бошлиқларига, чайқовчиларга, порахўрларга ва бошқа жиноятчи унсурларга қарши курашни жадаллаштириши мумкин.

СССР Президентига жаҳон практикасида «тақиқлаш ҳуқуқи» сифатида маълум бўлган алоҳида ҳуқуқ бериш мўлжалланмоқда. Мазкур ҳуқуққа мувофиқ Президент СССР Олий Совети қабул қилган қонунга имзо чекмаслиги ва уни икки ҳафталик муддат ичида ўз эътирозлари билан такрорий муҳокама қилиб, овозга қўйиш учун қайтариб юбориши мумкин. Президент тақиқлашига йўл қўймаслик учун СССР Олий Совети илгари ўзи палаталарининг ҳар бирида кўпчилик бўлиб, овозларнинг учдан икки қисми ёқлаб қабул қилган қарорни тасдиқлаши талаб қилинади. Агар бу содир бўлса, Президент қонуннн ё имзолайди ёки масалани СССР халқ депутатлари Съездига кўриб чиқиш учун тақдим қилиши мумкин.

Президентнинг давлат ҳокимияти олий бўғинларидаги турли тузулмалар ўртасидаги можароларни бартараф этишдаги иштироки — биз учун янги масаладир. Агар мисол учун, Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети ўртасида оддий тартибда бартараф этиб бўлмайдиган ихтилофлар вужудга келса, Президент мақбул қарорни ишлаб чиқиш мақсадида баҳсли масалани кўриб чиқиш ваколатига эга бўлади. Агар бунда давлат ҳокимияти олий органларининг нормал фаолиятида ва бошқарувда бузилишлар хавфи аён бўлиб қолса, Президент халқ депутатлари Съездига янги составда Олий Совет сайланиши тўғрисидаги таклифни киритишга ҳақлидир. Бу хилдаги ваколатлар — дарвоқе, бундай ваколатлар жаҳон парламент практикасида ҳам бор — олий давлат раҳбариятининг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган.

Гражданлар ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш кафолати бўлиб майдонга чиқадиган Президент ҳукумат қарорлари конституция нормаларига тўғри келмаса уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўя олади, тегишли республика органлари билан кўриб чиққанидан сўнг айрим жойларда фавқулодда ҳолатни жорий эта олади, шунингдек СССР ҳимояси ва унинг гражданлари хавфсизлиги манфаатлари йўлида муваққат Президент идорасини жорий эта олади. Бунда фавқулодда ҳолат режими ва муваққат Президент бошқаруви махсус қонун билан йўлга қўйилиши кўзда тутилади. Бутун мамлакатда фавқулодда ҳолатни жорий этишга келганда, шуни айтиш керакки, бу ҳуқуқ бутунлай СССР Олий Совети ихтиёрида қолади.

Президентлик ваколатининг бошқа гуруҳи иттифоқдош давлат идораларини тузишга, олий мансабдор шахсларни сайлаш, тайинлаш ёки тасдиқлаш учун мазкур мансабларга номзодларни кўрсатишга тааллуқлидир. Президент СССР Министрлар Совети Раиси, СССР Халқ назорати комитетининг раиси, СССР Олий судининг раиси, СССР Бош прокурори, СССР Бош давлат ҳаками лавозимларига номзодларни Олий Советга тақдим этади. Мазкур мансабдор шахсларнинг СССР Олий Совети ва Съезди томонидан вазифаларидан озод этилиши ҳам Президентнинг тавсияси билан амалга оширилиши кўзда тутилади. СССР Олий Совети олдига истеъфо тўғрисидаги ёки Министрлар Совети истеъфосини қабул қилиш ҳақидаги масалани қўйиш унинг ваколатига тегишлидир. Президент зиммасига халқ депутатлари Съездига СССР Конституцион назорат комитетининг шахсий состави тўғрисидаги таклифларни тақдим этиш вазифаси юкланади.

Совет Президентига мамлакат мудофаси ва хавфсизлиги соҳасида етакчи роль ажратилади. У ўз лавозимига кўра Қуролли Кучларнинг Олий бош қўмондони ҳисобланади; Совет Иттифоқига ҳужум бўлган тақдирда уруш ҳолатини эълон қилади ва мазкур масалани зудлик билан СССР Олий Советига кўриб чиқиш учун тақдим этади; ялпи ёки қисман сафарбарликни эълон қилади; Армия ва Флотнинг олий қўмондонлигини тайинлайди ва алмаштиради; олий ҳарбий унвонларни беради; ҳарбий трибуналларнинг ҳакамларини тайинлайди. Президентга одатда давлат бошлиғига хос бўлган бир қанча бошқа ваколатларни ҳам бериш таклиф этилади. Булар — орден ва медаллар билан мукофотлаш, Иттифоқ фахрий унвонларини бериш, гражданлик ва афв этиш масалаларини ҳал қилишдан иборат.

Шундай қилиб, СССР Президентига етарлича кенг ҳуқуқлар берилади. Лекин бунда олий нуфузли органлар ва Конституцион назорат комитети томонидан унинг фаолиятини бағоят самарали назорат қилиш механизми ҳам яратилади.

Ўз-ўзидан равшанки, марказий ҳокимият структурасида белгиланаётган ўзгартишлар натижасида СССР Олий Совети ҳозирги Президиумининг вазифалари ва ваколатлари тубдан ўзгаради. Президиум энди Президентга хос масалалар билан шуғулланмай, балки ўз диққат-эътиборини Съезд ҳамда СССР Олий Совети ишини ташкил этишга қаратади. Президиум таркиби ҳам аниқланмоқда. Унга СССР Олий Советининг Раиси, палаталарининг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, комитетларнинг ва палаталар доимий комиссияларининг раислари киради. Иттифоқдош республикаларнинг Президиумдаги ваколати принципи сақланиб қолади, уларнинг ҳар биридан ва таклифига кўра Президиумга бит-тадан СССР халқ депутати киритилади.

СССР халқ депутатлари учинчи Съезди кўриб чиқиши учун тақдим этилаётган қонунлари лойиҳаларининг ниҳоятда ихчамлаштирилган мазмунининг баёни ана шундай, депутат ўртоқлар.

Айтилганларга хулоса ясаб, қуйидагиларни таъкидлашни истардим.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз турмушидаги мураккаб, новаторлик қайта ўзгартишлар билан банд бўлиб, биз кўпинча содир бўлаётган воқеаларга ташқаридан, тарихий истиқбол мавқеида туриб назар ташлашга улгурмаяпмиз. Ҳар қалай, бунга уриниб кўрсак, ўтган беш йил мобайнида жамиятимизда жуда катта ўзгаришлар содир бўлганлиги аён бўлади. Ҳа, улар турличадир, ҳар доим ҳам ижобий баҳоланавермайди. Лекин бу ўзгаришлар ўз моҳиятига кўра, илғор бўлиб, энди уларни муқаррар, деб айтиш мумкин.

Янгиланган ижтимоий-иқтисодий ва давлат тузуми вужудга келмоқда, давлат ҳокимиятининг янги муассасалари таркиб топмоқда. Тўғри, уларни маромига етказишга ва эҳтимол, қайтадан тузишга тўғри келар. Лекин депутатларимиздан бири тўғри айтганидек, ҳеч қандай мехрибон амаки янгиланган социализмни бизга «қуриб» бермайди. Биз уни ўз қўлларимиз билан барпо этишимиз керак. Бу Советларни янгилашга ҳам, нуфузли демократиянинг замонавий шаклларини яратишга ҳам, президентлик демократик муассасасини республика кенгашларининг таркибига уйғун равишда киритишга ҳам тўла таллуқлидир.

СССР халқ депутатлари Съездига таклиф этилаётган партия тўғрисидаги, мулкчилик ҳақидаги, президент лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги Конституция қоидаларининг ўзгартирилиши тўғридан-тўғри ва бевосита мазкур жараённи ривожлантириш билан боғлиқдир. Бу қоидалар сиёсий ва иқтисодий ислоҳотнинг бундан буён ҳам давом этиши, жамият турмушини янгилашга оид барча ишлардан иборат умумий мақсадни кўзлайди. Съездимиз ана шу катта ўзгаришларнинг конституцион-ҳуқуқий негизини белгилашга тўғри келади. Бу жуда муҳим. Лекин бу ишнинг бошланиши, холос.

Конституциянинг йўл-йўриқлари жонли воқеликка айланиши керак. Бунинг учун эса мамлакат бўлажак Президентининггина эмас, барча депутатларимизнинг жадал куч-ғайратлари ҳам талаб қилинади. Янги Президентга, энг аввало, СССР халқ депутатлари ғоят хайрихоҳлик билан мадад беришлари зарур. Республикаларда ва жойларда Советларнинг, барча давлат идораларининг фаол иши ҳам зарур. Ҳеч истисносиз барча ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг, оммавий бирлашмалар ва ҳаракатларнинг давлатни бошқаришда, унинг механизми нормал ишлашини таъминлашда бевосита иштироки талаб қилинади. Ҳозирги кунда бизга четдан митинг офатларию танқидий момақалдироқлар эмас, балки мураккаб, кундалик бошқарув ишига айнан амалий ёрдам ҳаводек зарур.

Мулкчилик тўғрисидаги, ердан фойдаланиш ҳақидаги янги конституция нормалари ҳам ўз-ўзидан амал қилавермайди. Меҳнат коллективлари, колхозлар ва бошқа кооператив бирлашмалари, ижарачилар, миллионлаб меҳнаткашлар уларга таянниб, иш кўриши керак.

Анъаналар—халқ мулки

НАВРЎЗ—ҚАДИМИЙ ШОДИЁНА

⊙ Ҳурматли редакция! Халқимизнинг севимли байрами — Наврўз қачон пайдо бўлган? Шу ҳақда мақола беришингизни илтимос қиламиз.

М. Нурматов, Х. Жалилов, О. Сандумаров, Н. Холмуҳамедов, ишчилар.

НАВРЎЗ қадимдан нишонланиб келинаётган Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё халқларининг ажойиб муштарак анъанаси. Унинг қачон ва қандай нишонланганлиги тўғрисида кўплаб ривоятлар мавжуд. Жумладан, Наврўзнинг нишонланиши Фирдавсийнинг (934—1025 йил) «Шоҳнома» достонидаги бош қаҳрамон, гўзалликда тенги йўқ (лекин бошқа китобларда гоҳ ижобий, гоҳ салбий қаҳрамон тарзида баён этилган) шоҳ Сиёвуш шахси билан боғланган:

«...Сиёвушнинг ўлимидан сўнг, Бухоро оташпарастлари бу жойни (унинг қабри жойлашган Бухоро ҳисорини) азиз тутганлар ва ҳар бир эркак унга атаб ҳар йили Наврўз куни Қуёш чиқишидан олдин битта хўроз сўйган. Шу тариқа уч, баъзи маълумотларга кўра тўрт минг йилдан буён Сиёвуш дафн этилган жойда Наврўз нишонланиб келинмоқда. Бухорода Сиёвушга аталган марсияларни «оташпарастлар йиғиси» деб ҳам аташади.

Ватандошимиз Беруний (975—1048 йил) Наврўзнинг нишонланишини қадимги Эрон подшоси Жамшид фаолияти билан боғлайди. У «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида шуларни ёзади: «Эрон олимларининг баъзиси: У кунни Наврўз деб аташнинг сабаби шуки, Жамшид подшоҳ бўлгач, мажусийлар динини янгилади ва бу иш қилинган кун «Наврўз», яъни «Янги кун» деб аталди», дейди.

Берунийнинг фикрича, Жамшид подшо бўлган давргача ҳам баҳор байрами ўтказилган ва бу кун ҳурмат қилинган, лекин энг муҳими Наврўз Жамшид давридан бошлаб ҳайитга айлантирилган. Алломанинг юқорида зикр этилган асарида қуйидаги ҳаётий мисраларни учратамиз. «...Наврўз куни пайғамбар алайҳиссаломга (Муҳаммадга — А. С.) ҳолва солинган кумуш жом ҳадя қилган. Шунда пайғамбар:

— Бу нима? — деган.

— Наврўз, — деб жавоб берганлар.

— Наврўз нима?

— Эронликларнинг улуғ ҳайити.

Пайғамбар ҳолвани еб бўлгандан сўнг, суҳбатдошларига қарата:

— Кошки биз учун ҳар кун Наврўз бўлса эди, — деган».

Демак, араблар келмасдан бурун Турон мамлакатида «Наврўз», «Ҳайит» тушунчалари мавжуд эди ва улар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай маросимлар динга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳолда ўтказилган.

Беруний келтирган маълумотларга қараганда, Наврўз араблар келгунга қадар, яъни Ер ҳақидаги дастлабки илмий-жуғрофий тасаввурлар пайдо бўлган замонлардан бошлабоқ шаклланган. Қуёш экватордан шимолий ярим шарга силжиши билан кунлар узайиб, исий боради, табиат уйғона боради, бирин-кетин баҳор ва ёз фаслари кириб келади... Булар Янги йилнинг табиий хусусиятлари ҳисобланган.

Қадимда Наврўз бир ҳафта нишонланган. Подшолар халқни йиғиб уларга эҳсонлар берган, турли хил ўйин-томошалар уюштирилган. Бундай маросимлар деярлик уч минг йил муқаддам анъанага айланганлигини эслатиб ўтиш жоиздир.

Умар Ҳайём келтирган далилларга кўра, Наврўз Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда эрамиздан аввалги 552—530 йилларда пайдо бўлган. Эҳтимол Наврўз дастлаб она-табиатнинг уйғониш ва баҳордаги деҳқончиликнинг бошланишини англатадиган оддий халқнинг шодиёнаси тариқасида нишонланган. Кейинчалик ҳамма жойда (подшолар саройида ҳам) тантана билан ўтказиладиган бўлган ва шу тариқа анъанага айланган. Умар Ҳайём ҳам ўзининг «Наврўзнома» асарида Наврўзни нишонлаш Қуёшнинг йиллик ҳаракатига (у пайтларда оламнинг маркази Ер деб билганлар) асосланганлигини таъкидлаб ўтади. Бу асарда «Уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-она, яқин кишилар билан дийдорлашиб келиш оддий халқ орасида ҳам одат тусига кирган», дейилади.

Дарҳақиқат, Наврўзни нишонлаш астрономик ва жуғрофий асосга ҳам эга. Жумладан, Фирдавсийнинг шеърларидаги «Ҳамал буржига кириб қолган афтоб» мисрасида Қуёшнинг ҳамал (март) ойидаги ҳолати назарда тутилган. Наврўз ҳам шу ойда нишонланган.

Қуёш баҳорги тенг кунликда ҳамал буржида (бурж — қўзғалмас деб ҳисобланган самовий жисм, юлдуз) бўлади. 21 мартда Қуёш нурлари Ер экваторига тик тушади ва бу вақтда кун билан тун узунлиги ҳар иккала ярим шарда бир хил, яъни 12 соатга тенг бўлади. Бу ҳолат шимолий ярим шарда баҳорги тенгкунлик, жанубий ярим шарда эса кузги тенгкунликни ҳосил қиладиган шу кундан бошлаб Қуёш экватордан биз томонга, яъни шимолий ярим шарга ўтади.

Одатда шартли равишда март, апрель, май ойларини баҳор фасли деймиз. Агар табиат қонуниятларини инобатга олсак, у ҳолда 21 мартдан то 21 июнгача бўлган даврни баҳор фасли деб аташ ўринли бўлади.

Қуёшнинг шимолий ярим шарга ўтиши билан Шарқ мамлакатларига Наврўз (Янги кун, Янги йил) кириб келади. Шу муносабат билан, одамлар жой кенглиги ва иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда баҳорни кутиб олишга киришадилар. Кўпгина ўлкаларда баҳор, асосан деҳқончилик байрами тариқасида нишонланган.

Қадимда Наврўз куни подшолар ёшу яланғларга ош берган, эл ичидаги энг муносиб кишиларни тақдирлаган, бандиларнинг (маҳбус) гуноҳидан кечган, урушлар тўхтатилган, одамлар бир-бирларининг гуноҳидан кечиб, оламолам севинч улашган, ўйин-кулги каби анъаналари бўлган.

Араблар ўлкамизни босиб олгандан сўнг, Наврўзнинг нишонланишига қарши турилган ва расман тақиқланган. Эҳтимол бунга учта сабаб асос қилиб олинган. Асосийси, араб халифати Наврўздек қадимий байрамлар баҳонасида халқ аста-секин тил топиб, қачондир йиғилиб истибдодга қарши бош кўтаришидан хавфсираган. Наврўзнинг ислом динига мос келмайдиган яна икки жиҳати ёқмаган: марҳумларни эслаб шам ёқиш ва шарбат ичиш. Лекин халқ бундай тақиқларга қарамасдан баҳор байрами — Наврўзни хурсандчилик билан кутиб олаверган.

Дарҳақиқат, бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган Наврўз, эндиликда Шарқ халқларининг ҳаётига теран илдиз отган ҳақиқий шоду хуррам баҳор байрамига айланди. Наврўз табиат билан кишиларнинг ўзаро муносабатини англатадиган ва Шарқ халқлари ҳаётидаги энг муҳим оммавий маросимдир.

Абдурасул СОАТОВ,
Тошкент Давлат дорилфуниди жуғрофия факультети табиий жуғрофия кафедрасининг ўқитувчиси.



⊙ Полвон йигитларнинг беллашуви юракларни ҳаяжонга солиб, ҳаммага завқ-шавқ бағишлайди.

⊙ Қизлар базми, келинчак рақси зеболиги, ибоси ва нафосати билан онахонларда ширин туйғулар уйғотади. Т. Каримов сурат лавҳалари.

Ўтмишдан садо

АВЛОДЛАР МЕРОСИ

⊙ **Ҳар фаслнинг ўз хислати, зийнати, чиройи-оройиши, латофати ва назокати бор. Кўклам ёмғири, ёз ёмғири, куз ёғин-сочини, қиш изғирини-ю, қор-ёмғири — ҳар бири ўзига ярашади.**

ХАЛҚ афсона ва ривоятларида ва урф-одату, анъаналарида табиат ҳодисалари ўзининг жуда чиройли ифодасини топган. Айниқса, табиат энди уйғонаётган баҳор фаслида ёғин-сочин бўлиши бутун борлиқ ва жонлиққа ҳаёт бағишлаган. Шунинг учун ҳам туркий халқлар қадимдан шамол, булут ва ёмғирни муқаддас деб билганлар.

Она-табиат баҳорги ёғин-сочиндан яшнаб кетади, дала-ю боғларда, қир-адирларда яшиллик бўй чўзади, ўт-ўланлар, майса-гиёҳлар, гул-чечаклар қийғос ўсади, лалми ерлардаги экинлар тез ривож топади.

Баҳорги ёғин-сочин ҳақида шундай бир ривоят ҳам бор: баҳор фаслининг фақат бир кунида осмонда «Найсон» деган бир булут пайдо бўлади. Мана шу Найсон булути (абри Найсон)нинг ёмғири қуруқлик ва сувдаги жамики жонзодга жон — ҳаёт бағишлайди. Ривоятда нақл қилинишича, Найсон булутидан ёғилган томчилар афсонавий обиҳаёт экан. Буни билган бутун тирик жон борки, Найсон обиҳаётидан баҳраманд бўлишга интиқади.

Найсон (румий ойларнинг етинчиси бўлиб, баҳорга тўғри келади) булути қўк юзида кўринган пайтда, денгиз ва уммонлардаги барча жониворлар сув сатҳига чиқиб, ёмғир ёғишини кутадилар, қувончдан чарх уриб чўмиладилар. Буни қарангки, худди шу пайтда денгиз чиғаноқлари Найсон булути томчиларини оғизларига туширишга ҳаракат қилар эканлар. Афсуски, бундай бахтга улар ичидан мингдан бири муяссар бўларкан. Агар қайси бир чиғаноқ оғзига ўша томчи тушса, у абадий уйқуга кетиб, вақтлар ўтиши билан чиғаноқ садафга, Найсон булутининг томчиси эса дурга айланар экан.

Буюк бобомиз Алишер Навоий халқ оғзаки ижоди дурдоналарини ғоят чуқур билганки, юқоридаги ана шу латиф афсонадан ўз асарида жуда чиройли фойдаланган. Шоир «Ҳайрат ул-аброр» достонида шундай бир байт келтиради:

Гарчиким бир дур чиқарур минг садаф,
Бир дур ила минг садаф тоқай шараф.

Даҳо шоир бу байти билан шундай маънони англатади: ноёб истеъдод эгалари бўлмиш кишилар бир неча асрларда дунёга бир марта келади, булар — дур, шу улуғ кишиларни дунёга келтирган оналар минг садаф орасидаги дуру гавҳари бор ягона садафдирлар, улар туфайли ҳамма садафлар — оналар шараф топадилар.

Баҳорги ёғин-сочин билан боғлиқ яна бир афсона борки, Алишер Навоий ўзининг «Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблаи мақсуд» деб бошланадиган ғазалида сифатланишни моҳирона қўллаган. Мана ўша байт:

Яда тошиға қон етгач,
ёғин ёғқондек, эй соқий,
Ёғар ёмғурдек ашким чун
бўлур лаълинг шароб олуд.

«Яда тоши» — ёмғир тоши дегани бўлиб, қадимда туркий халқлар қурғоқчилик ва сувсизликдан қийналганларида сеҳргарлик билан ёмғир ёғдиришни ўйлаганлар.

Афсона мазмуни мана бундай. «Яда» деган рангдор тошга жониворнинг қонини суриб, афсун ўқилган ва у тош қуёшга қаратилган ёки сувга солинган. Шундай қилинганда, бирдан шамол пайдо бўлиб, булутларни ҳайдаб келарканда, ёмғир ёға бошлар экан. Улуғ бобомиз Навоий юқоридаги байтида ана шу афсонага ишора қилиб: Эй соқий, яда тошига қон теккач ёмғир ёққанидек, кўз ёшларим қизил шароб аралашган каби бўлиб ёмғирдек оқа бошлайди, дейди.

Халқимиз урф-одатларида жуда қадимда табиатдан шамол, булут ва ёмғир чақириш маросимлари бўлган. Ҳатто болалар қуроқ-варраклар учиришганда: «Шамол, бағри камол, кетмонингни олиб чоп!» деб қўндан шамол сўрашган. Диёримизнинг турли вилоятларида «ёмғир ёғдириш» маросимлари ва сайрлари бўлиб турарди. Шулардан бири «Сув хотин» маросими бўлиб, ажойиб халқ қўшиқлари айтилган:

Ёмғир ёғсин, сув хотин,
Буғдой пишсин, сув хотин,
Хирмон тўлсин, сув хотин,
Сув хотин — сувсиз хотин.

Баҳор бошланиб, Наврўз яқинлашиши билан боғ-далаларда, томорқаларда, яйлов ва лалмикор ерларда завқли меҳнат қизғин тус олган, қабристонларни тозалаш, тартибга келтириш, уй-жойларни саранжом-сариштага қилиш тадбирлари кўрилган, турли ўйин-кулги, боғ-дала ва гул сайрлари ўтказилган, кўкатлардан турли дармондорили овқатлар, ҳалим, сумалак ва кўк қовурма каби таомлар тайёрлашган.

Халқ ўзининг узоқ йиллик тарихий тараққиёти жараёнида хазинадек тўплаган бой анъаналарини унутмайди ва уни авлодларга мерос қилиб қолдиради. Мана шундай яхши одат-анъаналаримизни эъзозлаб, давом эттириш эзгу ва муқаддас бурчимиз бўлиб қолади.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

Ёзувчи мулоҳазалари

ЎЗИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

ЎЗИНГИЗГА четдан ҳеч разм солиб кўрганмисиз? Ўйлаб кўрганмисиз, қаёққа қараб кетяпмиз деб?.. Мен биринчи марта ўзимизга четдан разм солиб кўрдиму ҳайратда қолдим. Чиндан киши билмас ўзгаришлар кўп. Юриш-туришимизу хулқимизда ҳам, муносабатларимизу урф-одатларимизда ҳам. Тан олтинг келмайди-ю, лекин илож қанча.

Ҳеч бўлмаса, салом-алигимизга разм солинг-а...

Илгари салом фарз, алик қарз дердилар. Ҳеч бир кимса бировнинг олдидан хоҳ таниш, хоҳ нотаниш бўлсин, саломсиз кесиб ўта олмас эди. Энди-чи?

Хайриятки уйда эрталабки саломимизни канда қилмай турибмиз. Лекин кўча-кўйда-чи? Олдимизда чиққан одам бегона бўлса ёки танимасак, индамай қўя қоламиз.

Одатимизда катта қўл узатмагунча ийманиб, бир чеккага ўтиб қўл қовуштириб турмоқ бор эди. Энди-чи? Олдимиздан эртага ишимиз тушадиган бир одам чиқиб қолсин-чи, нима қилмас эканмиз? Югурғилаб бориб қўшқўллаб сўраша кетамиз. Қўйиб берса, уруғидан тортиб аймоғигача сўғлиғини сўраб чиқамиз. Сўраша туриб бир эланамиз, бир эланамизки...

Сўрашишнинг ҳар турлари чиқиб кетгани-чи? Ҳаммасидан ҳам эркак кишининг ўпишиб кўришиши қайси одобга сиғади, ҳеч билолмай дағдамиз. Нима бу, ўзини кўрсатишми, алоҳида оқсуяк эканликларини намойиш қилишми, тушуниб бўлмайди. Ўпишиб сўрашиш кейинги пайтда аёллару ёшларга ҳам юқди.

Одатда ёш одам катта аёллар билан кўришганда елкасини тутгувчи эди. Ўшанда ҳам сал яқинроқ бўлса, яқин қариндош бўлса. Узоқроқ бўлса-ку ўзини бир четга тортиб, ним тавозе билан сўрашилар эди. Тортиниб, андиша сақлаб туришимиз бир ярашарди. Энди сўрашаётганлар ака-сингилми, жиянми, холаваччами, ажратиш қийин. Сал туташган бўлса ҳам қучоқлашиб кўришганлари етмагандай ўпиша кетадилар. Шунга яраша меҳр-оқибатли бўлсалар қани эди. Кўпинча бу сўрашишлар сохталиги шундай сезилиб туради.

Ўзбек урф-одатларидан чиқиб кетяпмиз, деб кўринг-а, дарров ҳар чеккадан пичингларга кўмилиб кетасиз. Яна тўрт девор ортига тиқмоқчимисизлар? Паранжи ёпинтириб қўя қолинглар! Феодализмга қайтамиз шекилли? Одобу ахлоққа феодализмнинг нима дахли бор экан, тушунолмай гаранг қоласан. Шарқона одоб чегарасидан чиқмасликка чорлаш қачондан бери гуноҳ бўлиб қолибди? Ундан кўра юриш-туришимизга, одамлар ўртасида ўзимизни тутишимизга, муомаламизга назар ташлайлик. Ўзбекчиликдан қанчалик узоқлашиб кетганимиз, шарқона одоб чегараларини унутиб қўйганимиз кўринади-қолади.

Қизларимиз оврупоча бўянишдан-ку ҳеч тортинмай қўйдилар. Бошяланг юриш одатга айланди. Булар баҳарнав экан. Туппа-тузук йигит-қизларимиз метрою шаҳар транспортида бир-бирларига қапишиб, ҳиринглашиб туришдан уялмай қўйдилар. Хўш, бу қайси қуюшқонга сиғади? Қайси ўзбекка ўн йил бурун сизнинг қизларингиз шундай юради, десангиз аччиғи чиқмасди? Ва ҳозир нега индамай қўя қоляпмиз? Нима бу, ўз урф-одатларимизни, одоб-ахлоқимизни унутиб қўяётганимиз эмасми? Эртага бундан баттар қўйга тушмаймиз, деб ким кафолат бера олади? Ахир илгариги ота-боболаримизнинг «Бир қизга етти маҳалла оталик қила олади», деган гаплари қаёқда қолди? Қани биз ёшларимизни тергаётганимиз, тартибга чақираётганимиз? Умуман, ҳозир тартибга чақира оламизми? Ёки эгилишларига кўзимиз етмай, индамай қўя қолганимиз ёлғонми?

Қуш уясида кўрганини қилади. Ҳаммасига ўзимиз сабабчимиз. Айбни телевизорга тўнкашни биламиз-у, боланинг қайси қилиғи ўз одобимизга тўғри келмаслигини тушунтирмаганимизни тан олгимиз келмайди. Аввало ўзимиз оталик қилишни ўрнига қўя олмаймиз. Ўзбекчилигимизни қаттиқ ушлай олмаймиз. Кийинишимиздан тортиб юриш-туришимизгача, муомаламизгача бировларники. Жилла қурса уйда, хонадонимизда ўзбекчилигимизни қилайлик. Ахир ўзбекчиликни тутиш эскилик сарқити эмасдир? Гуруримизни ҳам йўқотиб қўйганмизми ё? Эътибор беринг-а, ёш болаларингиз ҳам баъзан бемалол гап қайтариб ташлайверади. Ҳатто сизни уйнинг каттаси демай жеркиб ташлайди. Хўш, қайси ўзбек одобида бор бу? Ҳаммасидан ҳам тўғироғи ўз ахлоқ-одобимизни қулоғига ёшликдан қуйиб бормаганимизда. Биз ўзбекмиз, ўзидан каттага, айниқса ўз ота-онасига гап қайтариш, жеркиш шаккоклик билан баробар деб тушунтирмаганмиз.

Бола эртадан кечгача марказий телевидениени томоша қилса, оврупоча муомалага қурилган киноларни сувдек симирса, бунинг устига ғарбнинг видеосини қидириб кўрса, унинг тарбияси нима бўлар эди. Устига устак биров шарқона одобдан бир оғиз ҳам сўз очмаса, ҳеч ким тергамаса. Яна биз нашаванда гиёҳвандлар қаердан бодраб чиқяпти, ёшларимиз ҳар турли кўчаларга нимага кири кетяпти, деймиз. Ҳеч эътибор берганмисиз, муюлишда бир тўда болалар турган бўлсаю, сиз ўша ердан ўтиб қолсангиз, нечтаси салом беради? Нари борса биттаси? Ўша ҳам таниса. Қолганлари хо-холашиб тураверади кечаги кўрган видеоси таъсирида.

Бизнинг одатимизда ота-она, қариндош-уруғни ташлаб, бир ёқларга кўчиб кетиш йўқ эди. Юрт-эл уят қилади, дердик. Ота-онани ёлғиз қолдирмасдик. Бошқа юртлардан иш изламасдик, бегона ерларни ватан тутмасдик. Олдин армияга бориб ўша ёқда уйланиб қоладиганлар чиқди. Кейин тузукроқ пул топиб келаман деб тентираб кетадиганлар чиқди. Бориб-бориб бола-чақаси билан узоқ юртларга кўчиб кетадиганлар

Она-ердан узилиб чиқиб кетган қай битта инсон барака топибди, армонда қолмабдики, биз топсак. Мусофир юртларда эллик йил қози бўлган тақдирда ҳам бир кун бош ёстиққа етганчалик бўлмас. Юрт соғинчи тинч қўймас. Ахир бутун Ҳиндистонни забт этган Бобурдай одам ҳам юртини қўмсаб ўтган-ку.

Биз турғунлик йилларида ҳудбинлашиб, мешчанлашиб кетдик. Нима фойдали бўлса, ўзлаштириб, олавердик, олавердик. Ўзимизникими, четникими, бегонами—ажратмадик. Ҳулқ-атворимиз ҳам ўзгариб боравердик. Шунақа қилиб, бир кун келиб қарасакки, шарққа хос ўзбекона хислатларимизнинг кўпини йўқотиб қўйибмиз. Эвазига ҳудбинликни касб қилиб олибмиз-у, энг яхши инсоний фазилатларимизни бой бериб қўйибмиз.

Биз эмасмидик, меҳру оқибатни энг қаттиқ ушлайдиган халқ? Биз эмасмидик, авлоду аждодларимиз хотирасини қаттиқ ёд этадиган? Эндиги кунга келиб, бир-бирини кўра олмаслик касалига мубтало бўлиб ўтирсак. Шоиримиз ўзидан талантлироғини кўра олмаса, зиёлимиз ўзидан зўрроғини тан олмаса, биз ким бўлдик?

Албатта, халқ орасида ўзлигини, энг яхши ўзбекона хислатларини сақлаб қолганлар жуда кўп. Энг яхши фазилатларимизни мужассамлаштирган шоиру оқилларимиз, фозилу фузалоларимиз, элда азиз кишиларимиз истаганча топилади. Лекин гап шундаки, уларни ҳамиша ҳам бошимизга кўтараётирмизми? Энг ардоқли фарзандларимиз деб биладиган бўлдилар. Бу бемеҳрликнинг илдизини биз шарқона инсоний фазилатларимиз йўқолиб бораётганидан излаганимиз маъқулмасми?

Тўғри, бу ажралишларга ҳозирги мураккаб шароит, асабий турмуш тарзимиз ҳам сабаб бўлаётгандир. Лекин ўзини билган, ўзлигини йўқотмаган, қайси халққа мансублигини унутмаган одам оғирчиликларга ҳам чидайди-да. Озгина сабр-бардошли бўлади-да. Энг яхши фазилатларимиздан осонгина воз кечиб кетаверсак, эртага фарзандларимиздан нимани кутамиз? Улар бундан ҳам кўпроқ йўқотишларга дучор бўлмайдилар, биз ҳозир азиз санаб турган фазилатлардан ҳам маҳрум бўлиб қолмайдилар, деб ким айта олади?

Мен аминманки, ўз халқининг энг яхши фазилатларини, ўзбекона хулқ-одобимизни, тилимизни ҳамма нарсадан устун қўядиганлар оз эмас. Улар яхши биладиларки, ҳақиқий урф-одатларни унутмаган халқ буюк халқ бўлади, ундай одам шу буюк халққа мансубман деб айта олади. Ҳақиқий шарқона одоб эса, аслида энг кичкина нарсалардан — эрта билан турганда салом беришу ўзидан каттага жой бўшатишдан бошланса-да, у энг инсоний фазилатлар мужассамидир. Бу меҳнаткаш-мушфиқликдан тортиб, гуноҳу савобнинг фарқига бора билишдир. Бу инсоф-диёнатни унутмай етимларнинг бошини силаш, ёлғизларга мурувват кўрсатишдир. Бу ота-онани улуғ тутиб, бола-чақани ҳалол пешона тер билан боқиш, ҳаром-ҳаришни ажратишдир. Ва ниҳоят, ўз халқидан чиқиб кетмай ўзбек номини баланд тутишдир. Барчани баробар кўриш, ҳамма билан иттифоқ яшашдир.

Шундай деймиз-у, лекин... Ўзингизга четдан разм солиб кўрганмисиз ҳеч?

Муроджон МАНСУРОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: мақоланинг баъзи ўринлари баҳсталаб бўлишидан қатъий назар, унда оқшомхонлар эътиборини тортадиган, мулоҳаза, мунозара уйғотадиган масала ўртага ташланган деб ўйлаймиз. Энг яхши урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

КИЧКИНТОЙЛАР МАСКАНИ

20 йил! Эҳ-ҳе, бу йиллар мобайнида неча ўнлаб, юзлаб, балки минглаб қувноқ кичкинтойларни тарбиялаб вояга етказмади бу боғча. Ингирма йилдирки, бу даргоҳдан кичкинтой ўғил-қизларнинг қувноқ, янгроқ овози аримайди.

Ҳа, шаҳримиздаги Собир Раҳимов районининг Қорақамиш мавзеида 432-болалар боғчаси ташкил топганига нақ 20 йил тўлди! Йиллар ўтаверади, боғчага янги-янги авлод вакиллари келаверади. Давр эса тарбиячилардан янада жонкуярлик билан, янада сидқидилдан меҳнат қилишни тақозо этади. Боғча ҳаётидан ҳикоя қилувчи ушбу суратли ҳикояда шуларнинг гувоҳи бўлишингиз мумкин. Боғча мудираси Саломат Тошпўлатова тажрибали методист Алла Ивановна Гавина ҳамда ёш тарбиячилар билан бамаслаҳат иш режаларини тузади; мусиқа раҳбари Алла Станиславна Василь машғулотларида ўғил-қизлар қўшиқ ва мусиқа билан дўстлашадилар.

Суратли ҳикоя муаллифи
Анатолий КУДРЯШОВ.

ПАРВОЗЛАРГА РУҲСАТ БЕРИЛДИ

СССР Геология министрлигининг «Краснохолмскгеология» ишлаб чиқариш геология бирлашмаси Аэрогеофизика партияси ёрдамида СССР Министрлар Советининг 1989 йил 13 мартдаги 645-Р ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 23 майдаги 153—Р буйруқларига асосан Тошкент, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарлари узра Сергели авиакорхонасининг МИ—8 вертолётида радиоэкологик вазифаларни ҳал этиш мақсадида аэрогеофизик тасвирга туширши ишларини бажарадилар. Парвозлар баландлиги 50 метр, маршрутлар орасидаги масофа 100 метрни ташкил этади.

Мазкур ишлар шу йил 20 майгача ўтказилади.

КЎЧМА ҲАЙВОНОТ БОҒИ ТОМОШАЛАРИ

⊙ Бир неча кундан бери Ростов-Дон ҳайвонот боғи жамоаси шаҳримизнинг Сергели районн механизаторларига ўз санъати, турли ёввойи ҳайвонларини намойиш этмоқда.

Улар Тошкент, вилоятнинг Бўка, Тўйтепа Ангрен районлари ва Тошкент шаҳрида бўлишиб, ҳайвонот ишқибозлари билан учрашдилар.

Бугунгача кўчма ҳайвонот боғига мотоцирк, аттракцион цирки бўйича 27 минг, ёввойи ҳайвонот кўриш учун 75 мингдан зиёд томошабин ташриф буюрди.

М. СУЛАЙМОНОВ.

Ҳукм ўқилганидан сўнг

НИЯТИГА ЕТОЛМАДИ

Эркин Ҳамидовнинг жиноят курсисига ўтиришига чайқовчилик сабаб бўлди У асли Бухоро вилоятида туғилган. Шу ердаги Охунбоев номли колхозда ишлади. У Тошкентда сигарет танқислигини эшитиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бухородa эса унинг турли хилидан истаганча топса бўлади. Борди-ю ҳар қутиси 50 тийинлик «Родопи» сигаретидан 200—300 донасини Тошкентга олиб борса-чи? Ахир ҳар қутисини бир сўмдан сотганда тенг ярим фойда кўради-я! У ётса ҳам, турса ҳам шу ҳақда ўйлади. Кўз олдига жарақ-жарақ пуллар келаверди.

Ниҳоят, қатъий фикрга келди. У бир йўла 800 дона «Родопи» сигаретини харид қилиб олиб чамадонга жойлади-ю, Тошкентга йўл олди.

Лекин шунча мол билан бозорга бориб бўлмасди. Шунинг учун у эрталаб поезддан тушиб Қ. Ниёзий кўчасидаги 67-уйда истиқомат қилувчи танишлари олдига йўл олди. Дўстларини «Родопи» билан меҳмон қилди.

Пешинга яқин у бозорларни айланди. Олиб келган буюмининг қаерда чаққонроқ кетишини аниқлади. Қараса Олой бозори қулай экан. У шу жойда З. Қулиева билан танишди. Мақсадини айтганди. Қулиева суриштириб ўтирмай савдолашишга киришди.

Хуллас, томонлар келишишди. Э. Ҳамидов ҳар қути «Родопи»га 1 сўмдан ҳақ оладиган бўлди. 500 қути сигаретани Қулиеванинг халтасига тўкди. Қаранг-а, бел оғритмай бирдан 250 сўм пул топишнинг ўзи бўладими? Бироқ... Етдим деганда, ошга пашша тушди. Ердан чиқдими, осмондан тушдими бир зумда олдида милиция хизматчилари пайдо бўлди.

— Қани, биз билан юринг.

Мана шу икки оғиз сўз Э. Ҳамидовнинг неча кунлик ширин хаёлларини остин-устун қилиб юборди. Кўз олдида пул эмас, аллақандай панжаралар кўринib кетди.

Тошкент шаҳар Киров район халқ суди чайқовчи Э. Ҳамидовнинг қилмиши юзасидан одил ҳукм чиқарди. У Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 175-моддасининг «а» банди билан айбдор деб топилиб, икки йил муддатга шартли равишда озодликдан маҳрум этилди.

М. ОРИПОВ.

Муҳаррир ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

«ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, электрон саноати асбобларини синовчи, электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси;

ЙИГИТЛАР УЧУН: технологик ускуналарни созловчи, радиоэлектрон аппаратураларнинг монтажчиси, кенг профилдаги станокчи.

Ўқишга 8 ва 10 синф маълумотига эга бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент области (Калинин, Орджоникидзе, Янгийўл районлари)да **яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.**

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — «ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл схемаларни йиғувчи», «электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси», «электрон саноати асбоблари синовчи» ихтисосликлари бўйича ўқиётган қизлар учун группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Ўқувчиларга ойига 77 сўм стипендия тўланади. Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга эгаллаган касби бўйича малака оширганлик ҳақидаги диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини тамомлагач уларга касб эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

Таълим даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар имтиёзли шартлар билан олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Билим юрти ўқувчиларни информатика ва ҳисоблаш техникасига ўқитиш учун «ҚУВТ-86» ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга, вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодиёти тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, отасининг иш жойидан справка, 8-дона фотосурат, (4 дона — 3х4, 4 дона 4х5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Весна кўчаси, (5, 12, 68э, 183-автобусларнинг «Узбум» бекати; 1, 5, 26 трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-51.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

49-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Муассасалараро экспериментал бирлашманинг

ТЕХНИКУМ-БИЛИМ ЮРТИ

Янги ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚАНДОЛАТЧИ, ОШПАЗ-ҚАНДОЛАТЧИ, КАРАМЕЛЧИ, КОНФЕТЧИ, СОТУВЧИ, НАЗОРАТЧИ-КАССИР.

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 9—11 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 9-синфни тамомлаган йигит ва қизлар учун — 3 йил, 11-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 1 йил.

3 йил ўқийдиган ўқувчилар стипендия ва кийим-кечак билан таъминланадилар.

1 йил ўқийдиган ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

3 йиллик курсларни битирувчиларга мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома берилади. 1 йиллик курсларни битирувчиларга эса мутахассислиги бўйича диплом берилади.

Билим юрти ўқувчилари ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юрти битирувчилари Тошкент булка-қандолат комбинатига, «Ўрток» қандолат фабрикасига, Тошкент сабзавот савдо бирлашмасига, Тошкент ва Наримонов шаҳри ошхоналари трестларига ишга юборилади.

Билим юртини «4» ва «5» баҳоларга тамомлаган ўқувчиларга йўлланма Тошкент Совет савдоси техникумига (қисқартирилган программа бўйича ўқитиладиган группаларга), шунингдек, олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзли йўлланмалар берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка, 6 та фотосурат (3х4 см).

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: 700080,Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй. (68, 15, 45, 23, 171, 183, 177, 154-автобуслар, 5-трамвайнинг «5-Қўйлиқ» бекати). Телефон 90-36-69.

БЎШ ШИША ИДИШЛАРНИ ТОПШИРИНГ!

УЛАРНИ ЛЕНИН РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ ТАШКИЛОТИНИНГ МАГАЗИНЛАРИГА ШИША ИДИШЛАРДАГИ МАҲСУЛОТЛАРГА ЎРИНМА-ЎРИН ТОШИРИШИНГИЗ МУМКИН.

МАГАЗИНЛАРНИНГ МАКОНИ:

6-МАГАЗИН — Червяков кўчаси, иш вақти соат 8 дан 20 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

7-МАГАЗИН — Госпиталь бозори, соат 8 дан 19 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

11-МАГАЗИН — Сарикўл кўчаси, соат 8 дан 21 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

12-МАГАЗИН — Стародубцев кўчаси, 149, иш вақти соат 7.30 дан 21.30 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

15-МАГАЗИН — «Қўйлиқ—2» массиви, иш вақти соат 8 дан 21 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

16-МАГАЗИН — Фоменко кўчаси, 64, иш вақти соат 8 дан 21 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

17-МАГАЗИН — Мунис кўчаси, иш вақти соат 8 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача;

18-МАГАЗИН — «Қўйлиқ—3» (савдо маркази), иш вақти соат 8 дан 21 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

24-МАГАЗИН — Норхўжаев кўчаси, 166, иш вақти соат 8 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

33-МАГАЗИН — Мирсолиҳов кўчаси, 1, иш вақти соат 8 дан 21 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

39/2-МАГАЗИН — Космонавтлар проспекти, иш вақти соат 8 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

41/1-МАГАЗИН — Мичурин кўчаси, иш вақти соат 8 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

53-МАГАЗИН — Куйбишев шоссеси, 530, иш вақти соат 7 дан 21 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

61-МАГАЗИН — Норхўжаев кўчаси, иш вақти соат 8 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, ча, дам олиш кунисиз ишлайди.

ИХТИСОСЛАШГАН ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ:

1-ПУНКТ — Фоменко кўчаси, 64, иш вақти соат 9 дан 18 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

2-ПУНКТ — «Қўйлиқ—2», иш вақти соат 9 дан 18 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

3-ПУНКТ — Будённий кўчаси, 10 «а», иш вақти соат 9 дан 18 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, дам олиш кунисиз ишлайди.

РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ ТАШКИЛОТИНИНГ МАГАЗИНЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ БЎШ ШИША ИДИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИГАН МАГАЗИНЛАР:

2-МАГАЗИН — Вокзалолди майдони, иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

3-МАГАЗИН — Полторацкий кўчаси, 20 «а», иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

4-МАГАЗИН — Нурафшон кўчаси, иш вақти соат 10 дан 19 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

5-МАГАЗИН — «Қўйлиқ—4», 19-уй, иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

20-МАГАЗИН — «Қўйлиқ—1», 16-уй, иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

22-МАГАЗИН — Мунис кўчаси 1, иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

19-МАГАЗИН — 8 Март кўчаси, иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

41-МАГАЗИН — Мичурин кўчаси, иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

49-МАГАЗИН — Стародубцев кўчаси, иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

50-МАГАЗИН — Новий путь кўчаси, иш вақти соат 8 дан 20 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, дам олиш кунисиз ишлайди.

АЛОҲИДА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ БЎЛГАН МАГАЗИНЛАР:

8-МАГАЗИН — Файзобод кўчаси, иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

10-МАГАЗИН — Қорасув бозори, Нурафшон кўчаси, иш вақти соат 9 дан 18 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача;

14-МАГАЗИН — Новий путь кўчаси (бозор) — иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача;

26-МАГАЗИН — Пирмуҳамедов кўчаси, иш вақти соат 9 дан 18 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

28-МАГАЗИН — Т. Шевченко кўчаси, 8, иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 12 дан 13 гача, дам олиш куни якшанба;

30-МАГАЗИН — Сарикўл кўчаси, иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

31-МАГАЗИН — Куйбишев шоссеси, 844, иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

25-МАГАЗИН — Куйбишев шоссеси, «Почта» бекати, иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди.

ЛЕНИН РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ ТАШКИЛОТИ.

Ўзбекистон инновацион банки таъсисчи-акционерлари, корхоналар, бирлашмалар, давлат, жамоат ва кооператив ташкилотларининг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

УЗБЕКИСТОН ИННОВАЦИОН АКЦИОНЕРЛАР БАНКИ

СССР Давлат банкида 1990 йил 20 февралда таъсисчи-акционерлар умумий йиғилишида 1990 йил 17 январда тасдиқланган

«УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР»ни рўйхатдан ўтказди

УСТАВГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАРГА МУВОФИҚ:

Банкнинг уставда белгиланган умумий маблағи 5,0 миллион сўмдан 10,0 миллион сўмгача кўпайтирилди;

1990 йилнинг 2-кварталидан бошлаб Ўзбекистон инновацион банки мижозларга ҳисоб-китоб-касса хизмати кўрсатиш юзасидан операцияларни амалга ошира бошлайди.

Банкнинг Устав фондига жамғармалар қўйишни истаган кишиларга шуни эслатиб ўтамизки, банкга қўйиладиган энг кам миқдорда белгиланган маблағ 100 минг сўмни ташкил этади, бу акционерлар умумий йиғилишларида ҳал қилувчи овоз беришда бир овозга мувофиқ келади.

Омонатлар, дивидентлар қўйиш шартлари ҳақидаги зарур ахборотларни Сиз қуйидаги телефонлар — 45-03-05, 45-03-00 орқали билишингиз ёки қуйидаги маконга мурожаат этиб билишингиз мумкин. Тошкент шаҳри, Бешёғоч массиви, 7-уй. «Узинбанк».

«УЗИНБАНК»
аҳолидан қуйидаги шартларда
ОМОНАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ:

3 ЙИЛ МУДДАТГА — йилига 5 фоиз фойда,
4 ЙИЛ МУДДАТГА — йилига 5,5 фоиз фойда,
5 ЙИЛ МУДДАТГА — йилига 6 фоиз фойда.

Гражданлар омонатга қўядиган энг кам пул миқдори 1000 сўм.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24 МАРТДАН — 1 АПРЕЛГАЧА
СОАТ 11, 14, 17.00 ДА

мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунларида

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

2 бўлимдан иборат программада

Цирк санъатининг барча жанрлари иштирок этади.

Олдиндан билетлар сотиш кассаси ишлайди.

Касса соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-29-24.

22, 23, 24, 25 март соат 16.00 да ва 19.30 да
ФАҚАТ 4 КУН

«ДИНАМИК» ГРУППАСИНИНГ БОШҚАРУВИДА ВЛАДИМИР КУЗЬМИН ЎЗИНИНГ

ЯНГИ ПРОГРАММАСИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ

Касса — соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-35-87, 44-29-04, 44-18-12.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29, 30 МАРТ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА

«БАҲОР ХАЁЛОТИ»

КОНЦЕРТЛАРИ

ОЛЕГ ВА РОДИОН ГАЗМАНОВЛАР
ВА
НАТАША ПУШКОВАЛАР

Ўзларининг «Люси», «Трубочист», «Маугли», «Светлячок», «Эскадрон», «Моя девчонка» қўшиқларини ижро этишади.

Касса соат 11 дан бошлаб 19.00 гача очиқ.

Маълумотлар олиш учун телефон — 45-92-13.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/III да **Сеғги ҳақида афсона,** 15/III да да **Зебуннисо.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/III да **Нажот истаб,** 15/III да **Пуч.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/III да **Нурхон,** 15/III да **Кампир кетармиш.**

КИНО

14 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «КОИНОТДАГИ ХАЗИНАЛАР ОРОЛИ» (18.30, 21.00).
Москва — «РИО ФУҚАРОСИ» (18.20, 20.40).
К. Ерматов номли — «ОШИҚ ЭРКАК» (тоқ соатларда).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (18.30, 21.00).

15 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «КОИНОТДАГИ ХАЗИНАЛАР ОРОЛИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
Москва — «ОҚСУЯК» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.).

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти

28 март соат 17.00 да институтнинг 422 хонасида МАТЕМАТИКАДАН ОЛИМПИАДА ЎТКАЗАДИ

Адрес: Тошкент шаҳри, Оборонная кўчаси, 1-уй, (25, 40, 61, 66, 161-автобуслар, 2, 10-трамвайларнинг «Темир йўл транспорти инженерлари институти» бекати). Телефонлар: 91-14-40, 90-05-56.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 111-ўрта мактаб томонидан **Қосимова Муҳаббат Тўқиновна** номига берилган 426334 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 03159.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.